Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ МАРКАЗИЙ КОМИТЕТИ,
ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ВА МИНИСТРЛАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

«СОВЕТ ЎЗБЕКИСТОНИ» — ОРГАН ЦЕНТРАЛЬНОГО КОМИТЕТА КОМПАРТИИ УЗБЕКИСТАНА, ВЕРХОВНОГО СОВЕТА И СОВЕТА МИНИСТРОВ УЗБЕКСКОЙ ССР

47 йил чиқиши
№ 105 (13.061).
7 МАЙ 1965 йил
ЖУМА
Баҳоси 2 тийин.

КПСС МК март Пленуми қарорларини амалга оширамиз

СЎЗ — МАШҲУР АЛЛАРГА

ЮКСАЛИШДА

Очил ТОШЕВ,
Қарши районидаги «Партия XX съезди» совхозининг директори

Совхозимиз йилдан-йилга юксалмоқда.

1964 йилда бир минг гектар қўриқ ер ўзлаштирилиб, қишлоқ хўжалик оборотига киритилди. Шу йилнинг баҳорида эса чўл бағридан яна 1300 гектар ер тортиб олиниб, чигит экилди. Ҳозир совхозимиз 5 минг гектар пахта майдонига эга.

Ҳосилдорликнинг ўсиши ҳам чақки эмас. Бундан тўрт-беш йил олдин гектаридан зўрга 11-12 центнер пахта олинарди. Олинган даромад сарфланган харажатни қопламасди. Лекин биз умидсизланмадик. Қарши чўлининг ўрта белида ташкил этилган хўжалигимизни сув билан таъминлашда ҳам давлат ёрдамидан баҳраманд бўлдик. Утган йили ҳосилдорлик гектар бошига 22,3 центнерга етди. Давлатга 13 минг тонна «оқ олтин» сотиб, мажбуриятни шараф билан бажардик.

Совхоз анча вақт рентабелсиз бўлиб келди. Бир тармоқ олдин кетса, иккинчи соҳа орқада қолди. Дала ишларида қўл кучининг ҳукмрон бўлиши маҳсулот таннархини қимматлаштириб юборди. Бу аҳволда узоққа бориш мумкин эмаслигини дарҳол пайқадик ва дала ишларини комплекс механизациялаш чораларини кўрдик.

Ишгит-қизларни механизация мактаблари, қисқа муддатли курсларга ўқишга юбориш, совхоз ҳузурида малака ошириш курси ташкил қилиш, шогирдлар тайёрлаш йўли билан механизаторларнинг янги отряди етиштирилди. Қишлоқ хўжалик мутахассислари ва тажрибакор деҳқонлар оғир меҳнат талаб қиладиган ишларни комплекс механизациялашда қарвонбошилик қилдилар. Натижада ишда ўзгариш юз берди. Фақат ўтган йилнинг ўзидагина 1700 тонна пахта «заангор кема»ларда териб олинди. Машина терими туфайли 58 минг сўм маблағ тежаб қолинди.

Юқорида тилга олинган тадбирлар амалга оширилиши натижасида хўжалик қолоқликдан чиқди. Барча тармоқлар рентабелли бўлди. Совхозимиз ўтган йил қарзлардан қутулиб, давлатга 710 минг сўм фойда берди.

Биз Пленум қарорларидан руҳланиб, янги мажбуриятлар қабул қилдик. Етти йиллининг якунловчи босқичида она-Ватанга 11 минг тонна «оқ олтин» етказиб берамиз. Бу, ўтган йилдагидан 2 минг тонна кам-ку, деган савол туғилади, албатта. Ҳа, Қарши чўлларини ўзлаштириш, коммунизмга хизмат қилдириш жадал давом эттирилмоқда. Бу йил ўзлаштирилган янги ерлар билан совхозимизга қарашли экин майдонларининг бир қисми бирлаштирилиб, унинг заминида «Қашқадарё» ва «Бешкент» совхозлари ташкил қилинди. Улар ҳам йирик пахтакор хўжалик бўлиб қолди. Бошқа мажбуриятларимиз ҳам улкан. Пиллакорларимиз салкам 10 тонна пилла тайёрлайдилар. Чорвадорларимиз давлатга 60 тонна гўшт, 140 тонна сут етказиб берадилар. Бунинг учун жон куйдириб меҳнат қилиш, пешана тери тўкиш зарурлигини яхши биламиз.

Ҳозирги муваффақиятларимиз анча дуруст. Чигит ўтган йилдагидан қариб 20 кун олдин экиб бўлинди. Тўла гектар бўлишига эришилди. Ҳар гектар майдонда белгиланган миқдорда кўчат бор. Ғўза соғлом ва бақувват. Парваришни бошлаб юбордик.

Гектаридан 26-30 центнер пахта етиштириш учун курашаётган Жўра Шодиев, Файзулла Султонов, Муродилла Очилов бошлиқ бўлимлар, 35-36 центнерли «оқ олтин» хирмонига байроқ тикишга аҳд қилган Жўра Шомуродов, Пирим Ҳайдаров, Шариф Умаров, Хоним Султонова бошлиқ бригадаларда биринчи комплекс парвариш тугалланай деб қолди. 40 центнерли ҳосил учун курашаётган республикада хизмат кўрсатган пахтакор Қосим Авазов бригадасида иккинчи комплекс парвариш бошлаб юборилди.

Бу йилги ишимизни ўтган йилги иш билан таққослаб кўрсан, каттагина тафовут борлиги сезилади. Ишчиларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли қўлгина чигит ва ёнилги тежаб қолинди. Давлат омборига кўз тикиб ўтирмасдан, 30 минг тонна маҳаллий ўғит жамгарилди.

Бироқ, ҳали айрим қамчиликларимиз бор. Автотрактор паркида турли сабаблар билан анчагина универсал тракторлари бекор турибди. Уларга культиваторлар осилиб, далага чиқарилса, ғўза парваришида суръат янада тезлашган бўлур эди. Мавжуд тракторларнинг иш унуми паст. Сўнгги ёғингарчиликдан кейин бегона ўт кўпайиб қолди. Уни тўла тугата олганимиз йўқ. Ишчиларимизнинг бир қисми ипак қурти парвариши билан банд бўлиб қолди. Бу, ғўза парваришига халақит бермаслиги керак. Қўшимча механизмлар сафарбар этиш йўли билан парваришни кучайтиришимиз лозим. Биз ҳар қандай шароитда ҳам гектаридан 25 центнердан «оқ олтин» етиштириш ҳақидаги ваъдамизни бажариш учун ҳамма чора-тадбирларни кўрамиз.

ЯМ-ЯШИЛ ДАЛАЛАР

Андижон областининг колхоз ва совхозлари далаларида чорак миллион гектар майдондаги ғўзалар ям-яшил тусга кириб қолди. Культиваторлари ва ўғитловчи мосламалари бўлган тракторлар кун сайин далага кўплаб чиқарилмоқда. Балиқчи, Учқўрғон, Москва районларининг илғор хўжаликлари бир вақтнинг ўзида уч хил тадбирни амалга оширмоқдалар: ғўзага узунасига ва кўндалангига қатор оралаб ишлов бериб, тупроққа органик ва минерал ўғитлар солмоқдалар ва ғўзани яганаламоқдалар.

Бу ерда ўсимлик тупроқ шароитларини ҳисобга олган ҳолда парвариш қилинмоқда. Вилт билан касалланган участкаларда азотли ва фосфорли ўғитлардан ташқари ҳар гектар ерга ўттиз-қирқ килограммдан тоза калий солинмоқда. Мутахассисларнинг фикрича Андижон областидаги Тельман номли колхознинг тажрибаси ўрганишга лойиқдир. Бу колхоз ғўзани биринчи марта сугоришда гидролиз заводининг суюқ чиқиндиларидан фойдаланмоқда. Кўп йиллик тажрибалар шуни кўрсатдики, бу вилтга қарши курашдаги энг самарали восита бўлиб ҳисобланмоқда.

ТОШКЕНТ область, Янгийўл районидаги Охунбобоев номли колхознинг Турсуной Райимова бошлиқ бригадасида ғўза парвариши қизғин давом этмоқда. Фотомухбиримиз А. Тўраев олган бу суратда сиз Турсуной Райимовани кўриб турибсиз.

Совет делегацияси ГДРга жўнаб кетди

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Комитети ва Германия Демократик Республикаси Министрлар Советининг таклифига биноан, совет партия-ҳукумат делегацияси немис халқи фашизмдан озод қилинган кунининг 20 йиллиги байрамида қатнашиш учун 6 майда Москвадан Берлинга жўнаб кетди. КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, СССР Министрлар Советининг Раиси А. Н. Косигин делегацияга бошчилик қилади.

ХОТИН-ҚИЗЛАР СОВЕТЛАРИ РАИСЛАРИНИНГ РЕСПУБЛИКА СЕМИНАРИ

6 майда Тошкентда область, шаҳар ва район хотин-қизлар советлари раисларининг республика семинари бошланди. Бу семинарни Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети уюштирди. Семинарда хотин-қиз активларидан 130 киши қатнашмоқда.

Семинарда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг секретари Р. Н. Нишонов хотин-қизлар ўртасида сиёсий тарбия ишларини янада кучайтириш чоралари тўғрисида доклад қилди.

Семинар бир неча кун давом этади. (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ—ОРОЛ ДЕНГИЗИ ЙЎЛИ

⊙ Қизилқум орқали йўл ⊙ Оловкорлар билан ҳамкорликда ⊙ Барханлар орасида асфальт ётқизилмоқда ⊙ Ҳар бир ишчининг машинаси бор ⊙ Енма-ён уч магистрал ⊙ Маҳорат ва мардлик мактаби.

Бир вақтлар карвонлар босиб ўтишга жўръат эта олмаган Ғарбий Қизилқумни автомобиль магистрал йўли кесиб ўтди.

Узбекистон ССР автомобиль транспорти ва тош йўллар министри И. В. Стрельцов Узбекистон телеграф агентлигининг мухбири билан суҳбатда бундай деди:

— Газлидан ҳозиргинг ўзидаёқ ғарбишимолга олиб борувчи йўлдан чўл ичкарисига бир неча ўн километр кириб бориш мумкин. Бу йўл ўзининг аҳамияти жиҳатидан ҳам, қурилиш усули жиҳатидан ҳам диққатга сазовордир.

Узбекистон йўлчилари СССР Газ саноати Давлат ишлаб чиқариш комитети билан ҳамкорликда Қизилқум орқали автомобиль магистралини барпо этмоқдалар. Бухоро — Хива нефтли, газли области бойликларини тағин ҳам кўпроқ ўзлаштиришга ёрдам бериш — ана шу йўлни қуришда кўзда тутилган асосий мақсадлардан биридир. Геологлар, пармаловчилар, газ қувури қурувчилари, фойдаланувчи ишчилар ана шу мустаҳкам автомагистралга таяниб, иш суръатларини кескин равишда оширишлари мумкин. Чўл орқали ўтадиган йўл жаҳонда энг йирик Урта Осиё — Марказ газ магистралининг асосий йўналишига тўғри келаётганлиги бежиз эмас. Бу газ магистрали ҳозир қурила бошланди.

Узбекистон газ саноатининг маркази бўлган Газлидан Амударё соҳилидаги Сазанино поселкасигача чўзилган магистралнинг умумий узунлиги 175 километр бўлади. Қум барханлари оша ўтган шу йўлнинг талай қисмига ҳозирдаёқ асфальт ётқизилди. Ваҳолонки, бу ишларнинг бошланганига атиги бир йил бўлди.

Йўл гоят тез суръатлар билан қурилмоқда. Ер тенислашдан тортиб асфальт ётқизишгача бир километр йўлни қуриш учун ўрта ҳисобда уч-тўрт кун талаб қилинаётир. Уч кун ичида бир километр йўл қурилмоқда. Урта Осиёнинг йўл қурилишида бундай суръатлар бўлган эмас. Шу сабабли Газли—Сазанино магистралининг қурилишини биз айни бир вақтда илгор тажрибанинг ажойиб мактаби деб ҳисоблашимиз мумкин. Бу қурилиш шу билан бирга мардлик мактаби ҳамдир.

Қурувчилар кўпгина ижодий маҳорат, ташаббус кўрсатмоқдалар. Характерли бир мисол келтирайлик. Лойиҳага мувофиқ, йўл учун узоқдаги карьерлардан материаллар ташиб келтириш мўлжалланган эди. Соғ тупроқ ташиб келтириш энг машаққатли ишлардан бири бўлиб қолди. Ваҳолонки, йўлнинг ҳар бир километрига қариб тўрт минг километр соғ тупроқ талаб қилинар эди. Шофер эса ўз машинаси билан қум барханлари орқали бир километр масофани босиб ўтиш учун тош йўлдаги юз километр масофани босиб ўтишга қараганда кўпроқ куч сарфлар эди.

Йўл-қурилиш бошқармасининг бошлиғи Карим Жабборовнинг ташаббуси билан бу материални яқинроқ жойдан қидиришга қарор берилди. Йўл ёқасидаги қум барханлари тагида соғ тупроқ борлиги аниқланди. Бу эса кўп куч ва маблағни тежаб қолиш имконини берди.

Йўлнинг қирқ биринчи километрида шағал қазиб чиқарадиган ва майдалайдиган механизмлари бўлган карьер барпо этилди. Қурилишнинг техника базаси ҳам шу ерда жойлашган.

Қурилиш ишлари аҳоли яшайдиган пунктлардан узоқда, чўл шароитида, жазирама ёз ва қаҳратон қиш шароитида олиб борилмоқда. Шу сабабдан Тошкент, Бухоро ва Самарқанддан, Россия Федерацияси, Туркманистон ва Қозоғистондан бу ерга келган ишчилар ва инженерларга табиатнинг оғир шароити билан курашда ҳам маҳорат, ҳам қатъият кўрсатишга тўғри келди.

Техника қурувчиларга ёрдам қўлини узатди. Ҳар бир ишчи автомобиль, грейдер ёхуд бошқа бирон механизм билан таъминланди. Бу ерда эса ишчилар бир неча юзлабдир. Йўл қурилишидаги барча ишлар тўла механизациялаштирилган. Бу ерда техникадан яхши фойдаланилмоқда. Экскаваторчилардан Владимир Ражабов, Бек Бешилев, бульдозерчи Александр Бескровний ва уларнинг кўпгина ўртоқлари нормани бир ярим баравар ошириб бажармоқдалар.

Қум барханлари орасида ўзига хос конвейер вужудга келтирилди. Бульдозерлар қумларни текислайдилар. Баъзан ўттиз-қирқ метр — ўн қаватли уй баландлигидаги барханларни текислашга тўғри келади. Агдарма машиналар йўлнинг негизи учун соғ тупроқ ташиб келтирмоқдалар. Сув сепадиган машиналар соғ тупроқни зичлаш учун унга сув сепадилар. Сўнгра бу тупроқ устига шағал тўкилади, ниҳоят асфальт ётқизилади. Шу тариқа шамолга ҳам, қаҳратон совуққа ҳам, жазирама иссиққа ҳам бардош берадиган йўл ҳосил бўлади. Шу йўсинда километрма-километр чўл ичкарисига кириб борилади.

Дарҳақиқат, Қизилқумга йўл ўтказилиши билан чўлнинг қиёфаси ўзгариб бораётир. Йўл атрофида қорақўйлчилик совхозларининг отарларини тез-тез кўриш мумкин. Чунки бу ерга ем-хашак ташиб келтириш, сув чиқариш мумкин.

Йўл Амударё соҳилларидан Газлига томон кетган водопровод билан ёнма-ён қурилаётир. Икки магистралнинг бундай бирбирига яқин бўлиши гоят фойдалидир. Бу эса учинчи магистрал-газ қувури учун ҳам қулай келади.

Магистрал йўл чўлдан ўтказилаётган бўлса ҳам, у мамлакатда энг қулай ва обод йўлларидан бири бўлади. Бу ерда автомобиль карвонлари соатига 120 километр тезлиқда қатнайдиган бўлади. Техника хизмати станциялари, дам олиш жойлари саёҳатчилар ихтиёрида бўлади. Қирқ биринчи километрдаги база ана шундай станциялардан бири бўлиб қолади. Қурувчилар ремонт устахоналари, ётоқхона, ошхона, сув ҳавзасини қурганларида фақат ўзлари ҳаётдагина эмас, балки саёҳатчилар тўғрисида ҳам ўйладилар. Қорақум чўлининг марказида сунъий кўл барпо этилди. Бу кўлнинг узунлиги юз метр ва кенглиги ўттиз метрдир.

Йўлнинг ҳар ўн километрида сув таъминоти пунктлари ташкил қилинмоқда. Чўлда машинанинг радиатори қизиб кетмайди. Бу ер кўкламзор бўлади. Йўл ёқасига саксовул ва бошқа дарахтлар ўтқазилмоқда.

Газли — Сазанино тош йўли — жуда узоқ йўлнинг бир участкасидир. Бу йўл бўйлаб Тошкентдан Орол денгизигача бориш мумкин бўлади. Йўлнинг узунлиги қариб бир ярим минг километр келган қисми ҳозирдаёқ тайёр бўлиб қолди.

Йўлнинг бу қисми катта Узбекистон йўлидан — Тошкентдан Самарқандгача бўлган йўлдан бошланади. Сўнгра йўл Навоий орқали Бухорога, у ердан эса Газлига олиб боради. Бундан кейинги участка ҳаҳида эса биз юқорида гапириб ўтдик. Сазанинодан йўл Шимолий Туркманистон, Хоразм, Қорақалпоғистон орқали Амударёнинг сўл соҳили бўйлаб боради. Йўл Тошовуз, Ҳазорасп, Урганч, Хўжайли, Қўнғиротдан ўтиб, Ургага — Орол денгизи соҳилига етиб келади. Бу ерда ҳам бир қанча участкалар тайёр бўлиб қолди ёки қурилмоқда. Демак, барча ишлар яқин келажакда тамом бўлади.

Ана шу вазифани амалга оширишда қўшни районларнинг аҳолиси қурувчиларга катта ёрдам кўрсатмоқда. Узоқ йўлни яқин қилувчи, транспорт алоқасининг яхши ишлашини таъминловчи ва экономикани тез ривожлантиришга ёрдам берувчи бундай йўлни қуриш тўғрисида халқимиз азалдан орзу қилиб келди. Жумладан, бу йўл Амударёда Туямўйин тўғонини қуришга ва келажакда сув билан таъминланадиган янги ерларни ўзлаштиришга ёрдам беради.

Яқин вақт ичида Тошкент — Орол денгизи йўлида машиналар қатнай бошлайди.

СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ДЎСТЛИГИ ВА БИЗНИНГ БУЮК ҒАЛАБАМИЗ

Совет Иттифоқи халқлари Улуғ Ватан уруши голибона тугалланганлигининг 20 йиллигини нишонламоқдалар. Бу уруш бутун прогрессив инсоният хотирасида тарихдаги энг адолатли уруш бўлиб қолди. Герман фашизми устидан қозонган ғалабамиз социал тараққиёт кучларининг, янги, социалистик ижтимоий тузумнинг энг реакцион, энг агрессив империализм кучлари устидан қозонган ғалабаси бўлди. **«Совет халқининг бу урушда қозонган ғалабаси, —** дейилади КПСС Программасида, — **социалистик жамиятнинг илғорлаб борувчи тараққиётини тўхтатиб қўя оладиган куч дунёда йўқлигини тасдиқлади».**

Жуда кучли душманни тор-мор келтирган совет халқида ва унинг армиясида бўлган енгилмас қудратнинг манбалари социалистик тузумнинг замирида жойлашган. Социалистик тузум, муштарак ҳаётий манфаатлар ва мақсадлар бирлаштирган, Коммунистик партия марксизм-ленинизмнинг буюк байроғи остида жипслаштирган СССР халқларининг дўстлиги шу манбаларнинг биридир.

Миллатларнинг орасига нифоқ солаётган, уларни бир-биридан ажратиб қўяётган, миллатлар ўртасидаги ҳар қандай иттифоқларни бузаётган капитализмга қарамақарши ўлароқ социализм ва коммунизм шундай мақсадлар ва идеалларни олдинга сурмоқдаки, Ленининг сўзи билан айтганда, бу идеаллар ва мақсадларга «миллион-миллион меҳнаткашлар бутун қайинчиликларга, ҳамма тўсқинликларга қарамай қўшила берадилар». Марксизм-ленинизм идеологияси, коммунизмнинг буюк идеялари СССР халқларини жипслаштирувчи улуғ куч бўлди. Совет халқларининг урушлари ғалабаси айни вақтда марксизм-ленинизм идеяларининг, социалистик идеологиянинг тантанаси бўлди, бу идеологиянинг фашизм жаҳолатпарастлиги ва иртқичлик идеологиясига нисбатан устунлигини кўрсатувчи намойиш бўлди.

Ўтган урушнинг даҳшатли воқеаларини кўз олдимизга келтирсак, шуни кўрамизки, душман бизнинг еримизга биринчи қадам қўйишданоқ совет халқлари дўстлигининг енгилмас кучига дуч келди. Бу урушда бутун инсониятнинг келажагини ифодаловчи социализм билан совет халқини ва бошқа халқларни фақат қул қилиб олишгина эмас, шу билан бирга, деярли батамом қириб юбориш хавфини тугдираётган фашизм ўртасида ҳаёт-мамот учун кураш олиб борилди.

СССР халқлари эришган социалистик ғалабаларнинг ва давлат мустақиллигининг тақдири жанг майдонларида ҳал қилинмоқда эди. Шу сабабли, Совет Иттифоқининг ҳамма халқлари Совет Ватанини ҳимоя қилмоқ учун мисли кўрилмаган қаҳрамонлик ва якдиллик билан гитлерчи босқинчиларга қарши курашга қўзғолдилар.

СССР халқларининг дўстлиги нақадар бақувват ва мустаҳкам эканлигини, бу дўстлик нақадар чуқур томир ёйганлигини уруш жуда яққол кўрсатди. Маълумки, бундай дўстлик бирданига вужудга келгани йўқ. Мамлакатимиздаги турли миллатларнинг меҳнаткашлари Октябрнинг ғалабасидан кейин ҳарбий-сиёсий иттифоқ туздилар, бу иттифоқ граждан уруши ва чет эл интервенцияси йилларида Совет Республикасининг душманларини тор-мор келтиришда гоят катта роль ўйнади. Кейин социализм ғалабаси учун олиб борилган курашларда ўзининг иқтисодий негизлари ва ижтимоий интилишлари жиҳатидан, ўзининг синфий состави ва маънавий қиёфаси жиҳатидан буржуа миллатлардан бутунлай фарқ қиладиган янги, социалистик миллатлар таркиб топди.

Социалистик миллатлар вужудга келганлиги СССРда муштарак характерли белгиларга эга бўлган ва бир бутун бўлиб бирлашган турли миллат кишиларининг янги тарихий муштараклиги — совет халқи вужудга келди. Совет халқи таркибидаги миллатлар ўртасида бўлган ўзаро муносабатлар бутунлай ўзгариб кетди. Капиталистик зулм шароитида мавжуд бўлган ишончсизлик ўрнини ҳамкорлик эгаллади, миллий адоват ўрнини халқларнинг маънавий-сиёсий бирлиги эгаллади. Социализм шароитида миллат ичидаги синфлар антагонизми билан бирга миллатлар ўртасидаги ўзаро душманлик муносабатлари ҳам йўқ бўлиб кетади, деб Маркс ва Энгельснинг айтган сўзлари батамом тўғри бўлиб чиқди. Коммунистик партия раҳбарлигида ғоявий ва сиёсий жиҳатдан маҳкам жипслашган СССР миллатлари ички қийинчиликларни бартараф қилиш учун олиб борилаётган курашда ҳам, ташқи душман рўпарасида бўлиб турган пайтда ҳам бир ёқадан бош чиқариб ҳаракат қилмоқдалар.

Фашистлар Германиясининг бошлиқлари «Барбаросса» планини тузаётганларида СССРни «жуда кўп миллатларнинг сунъий ва мўрт бирлашмаси» деб, ички бирликдан маҳрум бўлган ва шу сабабли яшаш қобилиятига эга бўлмаган бамисоли «қурама миллатлар» деб ҳисоблаган эдилар. Гитлерчилар руслар билан Совет Иттифоқининг бошқа халқларини бир-биридан тез ажратиб юборишга муваффақ бўламиз, деб ишонган эдилар. Шу жиҳатдан қараганда, Германия қўлида бўлган ва совет қўшинлари қўлига тушган «Яшил папка»даги материаллар диққатга сазовордир. Оккупациячи қисмларга ва бўлинмаларга берилган директивалардан бирида бундай дейилган эди: «Германия манфаатларини кўзлаб, Болтиқ бўйи мамлакатларида литваликлар, эстонлар, латишлар ва руслар ўртасидаги зиддиятлардан фойдаланилсин... Жанубда украинлар билан великоросслар ўртасида бўлиши мумкин бўлган зиддиятлардан бизнинг манфаатимиз йўлида фойдаланилсин. Кавказда туб жой халқлар — грузинлар, арманлар, татарлар билан руслар ўртасидаги зиддиятлардан бизнинг манфаатларимиз йўлида фойдаланилсин...».

Турмуш гитлерчи босқинчиларнинг режаларини улоқтириб ташлади. Душман совет халқларининг дўстлигини бўшаштиришни уддалай олмади. Совет халқлари герман фашизмига, унинг идеологиясига ва ваҳшиёна миллатчилик практикасига бир жон-бир тан бўлиб қарши чиқдилар. Совет социалистик тузуми кўп миллатли давлат халқларининг ҳамкорлигини ташкил этишнинг, миллатларни ривожлантиришнинг мақсадга энг мувофиқ бўлган энг яхши формаси эканлигини кўрсатди.

Гитлерчи босқинчиларга қарши олиб борилган Улуғ Ватан уруши чинакам умумхалқ уруши бўлди. Совет Иттифоқидаги халқларнинг ҳар қайсиси ўзининг содиқ фарзандларини фронтга юбориб, душманни тор-мор келтиришга муносиб ҳисса қўшишга интилди. Умумий душманга қарши биргаликда олиб борилган кураш ҳамма миллатлардан бўлган совет кишиларининг бирлигини тағин ҳам кўпроқ мустаҳкамлади. М. И. Калинин айтиб ўтганидек, Совет Иттифоқи халқларининг тинч вақтда вужудга келтирилган чин дўстлиги уруш йилларида чет элларда душманларимизнигина эмас, шу билан бирга дўстларимизни ҳам ҳайратда қолдирди.

Иттифоқдош республикалардаги халқларнинг фронтдаги жангчиларга берган йўл-йўриқларида уларнинг умумий хавфни ва мақсад бирлигини чуқур англаганлиги, уларнинг она-Ватанга бўлган қизғин муҳаббат ҳислари ҳамда она-Ватанни ҳимоя қилмоқ учун қонингизни ва жонингизни аямангиз деб асториди даъват қилганликлари очиқ кўриниб турибди. Озарбайжон халқининг озарбайжонлик жангчиларга юборган ва 1943 йил 21 апрелда «Правда»да эълон қилинган хатини ҳозир ҳам тўлқинланмай туриб ўқиш мумкин эмас.

«Жасур жангчиларимиз! Сизлар қардош халқларнинг фарзандлари билан ёнма-ён туриб манфур немис босқинчиларга қарши бир ярим йилдан кўпроқ вақтдан бери курашиб келмоқдасиз. Сизлар Совет Иттифоқи халқларининг бузилмас дўстлиги тўғрисидаги янги, мислсиз киссанинг сатрларини ўз қонингиз билан тарихга ёзмоқдасиз!... Дўстликка — дўстлик, яхшиликка — яхшилик! Модомики, бутун совет ери немис золимларининг асоратидан озод қилинмаган экан, ор-номусимиз биздан шуни талаб қиладики, озарбайжонликлардан биронтаси ҳам киличини қинига қайтариб солмаслиги керак».

Оташин совет ватанпарварлиги турли миллатларнинг жангчиларини жангларда жасоратлар кўрсатишга руҳлантириб турди. Бизнинг кўп миллатли армиямиз оммавий қаҳрамонлик армияси бўлиб қолди. Буни шу факт ҳам яққол кўрсатиб турибди, уруш йиллари мобайнида мукофотланган фронтчилар орасида юздан кўпроқ миллатнинг намояндалари бор. Руслардан 7.998 киши, украинлардан 2021 киши, белорусларидан 299 киши, татарлардан 161 киши, яҳудийлардан 107 киши, қозоқлардан 96 киши, грузинлардан 90 киши, арманилардан 89 киши, ўзбеклардан 67 киши, мордвиналардан 63 киши, чувашлардан 45 киши, озарбайжонликлардан 44 киши, бошқирдлардан 38 киши, осетинлардан 31 киши, туркманлардан 16 киши, литваликлардан 15 киши, тожиклардан 15 киши, қирғизлардан 12 киши, латишлардан 12 киши, комилардан 10 киши, удмурдлардан 10 киши, эстонлардан 9 киши, кареллардан 8 киши, қалмиқлардан 8 киши, адигейлардан 6 киши, кабардинлардан 6 киши, абхазлардан 4 киши, молдаванлардан 2 киши, ёқутлардан 2 киши, тувликлардан бир киши ва яна бошқа кўпгина миллатларнинг намояндалари Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига сазовор бўлдилар.

(Охири тўртинчи бетда).

СССР делегацияси Чехословакияга жўнаб кетди

Чехословакия Коммунистик партияси Марказий Комитети ва Чехословакия Социалистик Республикаси ҳукуматининг таклифига биноан, Совет Иттифоқи партия-ҳукумат делегацияси Чехословакия фашист босқинчиларидан озод қилинган кунининг 20 йиллиги тантаналарида қатнашиш учун 6 майда Москвадан Прагага жўнаб кетди. КПСС Марказий Комитети Президиумининг аъзоси, КПСС Марказий Комитетининг секретари Н. В. Подгорний делегацияга бошчилик қилади.

Совет Иттифоқининг давлат байроқлари билан безатилган Внуково аэродромида делегацияни А. П. Кириленко, М. А. Суслов, П. Н. Демичев, Ю. В. Андропов ва бошқа ўртоқлар кузатиб қолдилар.

(ТАСС).

СОВЕТ МАТБУОТИ КУНИ

МОСКВА, 5 май. (ТАСС). Бугун совет матбуоти кунига бағишланиб, Союзлар уйининг Колонна залида тантанали йиғилиш бўлди.

КПСС Москва шаҳар комитетининг секретари Н. А. Кузнецов йиғилиш иштирокчилари номидан чет эл журналистлари вакилларини — Малй, Дания ва Чехословакиядан келган меҳмонларни қизғин табриклади.

Йиғилиш иштирокчилари фахрий президиумга якдиллик билан КПСС Марказий Комитети Президиумини сайладилар.

«Партийная жизнь» журналининг бош редактори Е. И. Бугаев доклад қилди.

* * *

Ушбу куни СССР Журналистлар союзи правлениеси, СССР Ташқи ишлар министрлигининг матбуот бўлими ва чет мамлакатлар билан маданий алоқа давлат комитети матбуот бўлими совет матбуоти куни муносабати билан қабул маросими ўтказдилар.

«...Радио ихтиро қилиш соҳасида олиб бораётган катта ишингизда Сизга хайрихоҳлик билдираман. Сиз яратаётган қоғозсиз ва «масофасиз» газета улуғ нарса бўлади».

В. И. ЛЕНИННинг М. А. БОНЧ-БРУЕВИЧга ёзган мактубидан.

ҲАЁТ ТЎЛҚИНЛАРИ

В. ПЎЛДОШЕВ,
Ўзбекистон ССР алоқа министри

Радионинг аҳамияти ундан радио алоқаси, радио эшиттириши ва телевидениедан фойдаланиш билангина чекланиб қолмайди. Радиоэлектроникани қўллаиш соҳалари ҳаҳиқатан ҳам чексиздир. У меҳнат унумдорлигини оширишга, ишлаб чиқарилаётган маҳсулотнинг сифатини яхшилашга бевосита таъсир ўтказади. Радиоэлектрон воситалар ёрдамида ишлаб чиқаришни бошқариш, ишлаб чиқариш технологиясининг энг қулай лойиҳаларини қидириб топиш жараёнлари енгиллаштирилмоқда.

Космосни ўзлаштиришда замонавий радио-электроника алоҳида ўринда турибди. Бизнинг совет олимларимиз, инженер ва техникларимиз космос билан икки томонлама радио алоқаси ўрнатишни дунёда биринчи марта амалга ошириш шарафига мушарраф бўлдилар. Бизнинг инсоннят тарихида биринчи ер йўлдошимиз, ичига одам тушган биринчи космик кемамиз жуда мустаҳкам радио-электрон воситаларни космосга олиб чиқди. Бу воситалар эса космик учишларнинг муваффақият қозонишини таъминладилар.

Совет олимлари Молния-1 алоқа йўлдошини космик фазога учириш билан совет телевидениеси, кўп каналли телефон, телеграф, фототелеграф алоқасининг узоқ қа ҳаракат қилиш чегараларини кенгайтириб юбордилар.

Қайтадан қабул қилиб олувчи битта пункти бўлган ердаги оддий радиореле воситалари телевидение томошаларини бир неча юз километр доирасидаги масофага беришни таъмин этса, Молния-1 нинг қайта қабул қилиб олиш космик пункти телевидение томошаларини бир неча ўн минг километр доирасидаги масофадан кўрсатишни таъминлайди. Владивосток — Космос — Москва — алоқа йўлдоши ёрдамида кўрсатиладиган телевизион томошаларнинг ҳаракат қилиш йўли ана шундан ўтади.

Радио-электроника мингларча кишининг меҳнатини қилишга қодир бўлган тез ҳаракат қилувчи ҳисоблаш машиналари яратиш имконини берди. СССР Фанлар академиясининг тез ҳаракат қилувчи электрон ҳисоблаш машинасида фақат бир йилнинг ўзидагина шундай ҳисоблар ўтказиш мумкин бўлдики, буни бажариш учун ўн минг кишидан иборат ҳисобловчилар коллективи камида йигирма йил ишлаши керак бўлур эди. Ёзувни ўқийдиган машиналар, овоз командасини бажарадиган машиналар ишлаб чиқарилаётганлиги айниқса диққатга сазовордир.

Ёзувни ўқийдиган машиналар телеграммалар беришни, хатларни саралашни автоматлаштириш, банкнинг ҳисоб-китоб ишларини механизациялаш мақсадларида ва бошқа мақсадларда қўлланилиши мумкин.

Қулоғи эшитмай қолган, кўзи ожиз бўлиб қолганларга радио-электроникага асосланиб, медицинада эшитиш ва кўриш аппаратлари, «Сунъий юрак», «Сунъий ўпка» ва «Сунъий буйрак» типидаги асбоблар ва шу каби ларни яратилмоқда.

Оммавий радиоэшиттириш ва телевидение соҳасида ярим ўтказгич техника ва босма схемалардан кенг фойдаланиш такомиллаштирилмоқда. Бизнинг саноатимиз чўнтакка солиб юриладиган ва бошқа нимчина ҳажмдаги радиоприёмникларнинг, чунончи, «Сокол», «Сигнал», «Банга», «Спидола» ва шу каби моделлардаги радиоприёмникларни жуда кўплаб ишлаб чиқараётир.

Радиони ривожлантиришда эришилган катта муваффақиятларни қайд этар эканмиз, коммунизм қураётган совет халқига хизмат кўрсатувчи радио-электроника бундан буён тағин ҳам тезроқ ривожлана беришига ишончимиз комил.

Радио алоқаси, радиоэшиттириш ва радиолаштириш воситалари кейинги йилларда республикамизда тез суръатлар билан ривожланди. Радио алоқаси ва радио эшиттириш ҳорҳоналари ва қисқа тўлқинли замонавий радиоаппаратлар билан жиҳозланган радио эшиттириш воситаларининг қуввати анча ўсди. Радиоэшиттириш иккита программада мунтазам олиб бориляпти.

Республика пойтахти — Тошкент мамлакатимизнинг барча энг муҳим пунктлари билан ва чет эл мамлакатларининг кўпгина шаҳарлари билан радио алоқаси ўрнатган.

Урганч ва Нукус шаҳарларида мустақил программа билан ишловчи телевизион марказлар қурилди, Андижон ва Самарқанд шаҳарларида эса Фарғона водийси ва Самарқанд областининг аҳолисини телевидение билан таъминлаш учун ретрансляция-телевизион станциялар барпо этилди. 19 жойда ретрансляторлар ишлаб турибди. Булар республика территориясининг 80 процентдан кўпроғини телевидение билан таъминлаш имконини бераётир.

Тошкент телевизион маркази телевизион эшиттиришларни иккита мустақил программа билан олиб бормоқда, шу йилнинг май ойидан бошлаб эса учинчи телевизион программа передатчиги ишлай бошлайди.

Узбекистон алоқа ходимлари радиореле линияларини ривожлантириш йўлида кўп меҳнат сарф қилдилар. Радиореле линиялари телевизион эшиттиришларни узоқ масофаларга етказиш, телевизион программаларни ўзаро айирбошлаш, радиоэшиттириш каналлари вужудга келтириш ва узоқ масофали телефон, телеграф ва фототелеграф алоқалари ўрнатиш имконини беради. Фрунзедан, Олмаотадан телевидениени томоша қилиш бизнинг телетомошабиларимиз учун оддий бир нарса бўлиб қолди.

Буларнинг ҳаммасига Тошкент — Андижон, Тошкент — Самарқанд, Андижон — Самарқанд, Самарқанд — Бухоро радиореле линиялари қурилганлиги натижасида эришилди.

Тошкент — Андижон участкасида 1963 йилда мамлакатимизда ва жаҳонда иккинчи бўлиб видеотелефон алоқаси йўлга қўйилди. Ҳозирги вақтда Фарғона ва Самарқанд аҳолиси ҳам Тошкент билан видеотелефон алоқаси билан таъмин этилди, шу йилнинг иккинчи ярмидан бошлаб, Самарқанд аҳолиси Фарғона ва Андижон шаҳарлари билан видеотелефон алоқаси билан боғланади.

Шу йил Қўйтош — Термиз посёлкаси участкасида Тошкент телевизион марказининг телевидениесини Термизда кўрсатиш учун радиореле линияси қуриш тамомланади, Тошкент аҳолиси эса Тожикистон пойтахти Душанбе телевидение студиясн томошаларини кўришга муваффақ бўлади.

Республиканинг аҳоли яшайдиган бир қанча пунктларида Қашқадарё, Сурхондарё, Бухоро ва Сирдарё областлари территориясини телевизион эшиттириш билан таъминлаш учун ретрансляция-телевизион станциялари қурилади.

Радиоэшиттиришларнинг сифатини яхшилаш мақсадида «УКВ» станциялари кенг қўлланилади телевидениени ривожлантириш соҳасида республиканинг бутун территориясини шу йили 2—3 йил ичида муттасил телевизион эшиттириш билан таъминлаш мўлжалаб қўйилди.

Республика аҳолисининг мумкин қадар кўпроқ доирасига иккинчи программани эшиттириш учун радиореле алоқа линияларини реконструкциялаш ва уларнинг қуввати ошириш юзасидан жуда катта ишларни бажариш кўзда тутилмоқда.

Республика алоқа ходимлари Радио куни — 7 май байрамини кутиб олар эканлар, радио ва телевидениени янада ривожлантириш, совет халқининг мамлакатимизда коммунистик жамият қуришдан иборат улуғвор программасини бажаришдаги курашида радио ва телевидениедан янада яхшироқ фойдаланиш соҳасида белгиланган вазифаларни муваффақиятли адо этиш учун ўзларининг бутун куч-ғайратларини сарфлайдилар.

В. И. Ленин 1918 йил 21 июлда «Радиотехника ишини марказлаштириш тўғрисида»ги декретни имзолади.

●

Етти йилликнинг ўтган йиллари мобайнида республикамизда қарийб 400 минг хонадонга радиотрансляция точкалари ўрнатилди. 530 та радиоузел қурилди ва реконструкция қилинди.

●

Ҳозирги вақтда республикамизда 1 минг 100 радиоузел ишлаб турибди.

●

Республикамизда 350 мингтадан кўпроқ телевизор ишлаяпти.

Тошкент область Янгийўл районидаги Ленин номли колхозда яқинда янги радиоузел ишга туширилди. Колхоз участкаларида ҳамласи бўлиб 600 та радиоточка бор. Колхозчилар ҳар куни дам олиш пайтида радио орқали берилган колхоз янгиликларини ва шўх-қувноқ ашулаларни эшитиб турадилар.

Суратда: радиотехник Шермат Абдуллаев иш устида.

А. Тўраев фотоси.

ҲАВАСКОРЛАР

— Диққат! Мактаб радиостанциясидан гапирамиз. Бугунги программада:

— Муаллимлар маслаҳати!

— Улуғ рус ихтирочиси А. С. Попов ҳақида суҳбат.

— Жанговар йиллар қиссаси...

Тошкентдаги 23-мактаб радиоҳаваскорлари ташкил этган мактаб радиостанциясида эшиттиришлар ҳар куни икки сменада, ўзбек ва рус тилларида олиб борилади. Эшиттиришларни эфирга тайёрлашда Гулсара Тожиева, Фарида Толипова каби сергайрат ўқувчиларга тажрибали ўқитувчилар Ғуломжон Тошхўжаев, Ҳамидулла Убайдуллаевлар яқиндан ёрдам берадилар.

Мактаб радиостанциясининг аҳли коллективи «Жанговар йиллар қиссаси» деган эшиттиришларнинг бирида Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, шу мактабнинг тарих ўқитувчиси Аъзам Пўлатовнинг суҳбатини уюштирди. Аъзам Пўлатов суҳбатнинг охирида ўқувчиларга Берлин учун бўлган жангларда совет жангчиларининг кўрсатган жасорати ва ўзининг ҳукумат фармони билан Қизил юлдуз ордени билан мукофотланганини ҳикоя қилиб берди.

Талантли ёш дикторлар—аъловчи ўқувчилар Шукур Муҳсимов, Фарида Толипова, Флора Алимова, Гулсара Тожиевалар текстларни ифодали ўқишда бошқаларга ўрнак бўлишяпти.

Т. НАЗИРОВ.

ДЎСТЛИК ОВОЗИ

У. ИБРОҲИМОВ,
Узбекистон ССР Министрлар Совети Радиоэшиттириш ва телевидение давлат комитетининг раиси.

Улуғ рус олими Александр Степанович Попов Петербург университетининг физика-химия жамияти йиғилишида бундан 70 йил муқаддам доклад қилди ва ўзининг жаҳонда биринчи бўлиб ихтиро қилган асбоби — радиоприёмникни амалда намойиш қилиб кўрсатди. 1895 йилнинг 7 май куни, радио туғилган кун бўлиб қолди.

* * *

Бу йилги Радио куни ажойиб вақтда нишонланмоқда. Совет халқи етти йиллик планни муддатидан илгари бажариш, коммунизм қурилишида янгидан-янги муваффақиятларга эришиш учун, қишлоқ хўжалигини юксалтириш каби ҳаётий муҳим вазифани ҳал қилиш учун фидокорлик билан меҳнат қилмоқда.

Совет ватанпарварлигига, мардликка, Ватанга, коммунизм ишига садоқат туйғуларини тарбиялашга бағишланган эшиттиришлар Узбекистон радио ва телевидениеси программаларида тобора кўпроқ ўрин олмоқда. Гитлерчилар Германияси устидан қозонилган ғалабанинг 20 йиллиги арафасида «Алангали йиллар қиссаси» циклида эшиттиришлар берилмоқда. Ана шу циклдаги эшиттиришлар совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши йилларида кўрсатган қаҳрамонлигидан, уларнинг жангларда ва меҳнатдаги жасоратларининг улуғворлигидан ҳикоя қилади.

Совет ҳокимиятининг 50 йиллигини ва В. И. Ленин туғилган кунинг юз йиллигини кутиб олишга тайёргарлик кўришга бағишланган материаллар совет халқининг Коммунистик партия раҳбарлигида эришган оламшумул тарихий ғалабалари ва шу жумладан, ўзбек халқининг ленинча миллий сиёсат тантана қилганлигидан ёрқин шоҳодат берувчи буюк ғалабаларини таринну этади.

Ҳозирги замоннинг энг муҳим масалаларига бағишланган радио ва телевизион университетлар тингловчилар ва томошабинларнинг жаҳон зўр диққат-эътиборини жалб этмоқда. Партия маорифи шоҳобчасида ўқитувчилар, пропагандистлар радио ва телевидение орқали марксча-ленинча назария юзасидан, коммунизм қурилишининг, жаҳон социалистик системаси ривожланишининг, тинчлик, демократия ва социализм учун коммунистик ва ишчи партиялар олиб борасётган курашнинг актуал проблемалари юзасидан мунтазам суҳбатлар эшитиш имкониятига эга бўлиб қолдилар.

КПСС Марказий Комитетининг март Пленумидан кейин радио ва телевизион эшиттиришлардаги асосий диққат-эътибор қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида партиямиз кўраётган тадбирларнинг сиёсий моҳияти ва амалий жиҳатдан ғоят катта аҳамиятга эга эканлигини ҳар бир совет кишисига ифодалаб беришга, амалга оширилаётган тадбирларнинг умумхалқ эҳтиёжи жиҳатидан етилиб қолганлиги ва зарурлигини тушунтиришга, шунингдек меҳнаткашларни Пленум қарорларини бажариш учун сафарбар этишга, уларнинг ижодий активлигини йўналтиришга қаратилмоқда.

Эшиттиришларнинг «Қишлоқ коммунистлари ҳақида сўз» деган янги циклида район партия комитетларининг, колхоз ва совхозлар партия ташкилотларининг ички ҳиҳол қилинади, қишлоқ коммунистларининг авангардлик роли кўрсатилади.

Саноат ходимларига бағишланган эшиттиришларда меҳнат унумдорлигини ошириш, ишлаб чиқаришни такомиллаштириш учун курашга алоҳида эътибор бериляпти. Бу эшиттиришларда халқ хўжалик планларини тўла ва ошириб бажариш учун бошланган социалистик мусобақа, коммунистик меҳнат ҳаракати муттасил ёритилмоқда. «Жаҳон стандартлари даражасига эришайлик» деган янги цикл Узбекистон саноат корхоналарида маҳсулотнинг сифатини ошириш учун олиб борилаётган курашга бағишланади.

Узбекистон Компартияси Марказий Комитети XIII пленумининг аҳолига маданий ва машиий хизмат кўрсатишни яхшилаш тўғрисида қабул қилган қарорлари қандай амалга оширилаётганлиги кенг ёритилмоқда.

Радио эшитувчиларга, хусусан ёшларга «Ёшлик» радиостанциясининг программаси жуда ҳам манзур бўлиб қолди. «Ёшлик» радиостанциясининг аудиторияси кейинги вақтда кенгайди, редакциясининг ёш ишчилар, колхозчилар, студентлар ва хизматчилар билан алоқаси мустаҳкамланди. Маънавий-аҳлоқий темада «Оталар сўзи—ақлнинг кўзи» циклидаги эшиттиришлар телетомошабинлар ўртасида катта муваффақият қозонмоқда. Радио ва телевидение ходимлари ўзларининг бутун куч-ғайратларини ёшларни партия ва халқнинг революцион традициялари руҳида, коммунистлар, комсомолларнинг фидокорона иш намуналарида, совет ватанпарварлиги, пролетар интернационализми идеяларига содиқлик, коммунистик эътиқод руҳида тарбиялайдиган эшиттиришлар олиб бориш сарфламоқдалар.

Болалар ва ёшлар учун махсус цикллардаги радио ва телевизион эшиттиришлар олиб борилмоқда, радиогазета ва телевизион журналлар чиқарилмоқда.

Радио ва телевидение совет кишиларининг меҳнати ва ҳаётидаги барча илғор, прогрессив нарсаларни, янги традиция ва одатларни пропаганда қилиш билан айни бир вақтда ишдаги камчиликларга қарши кураш олиб бориш, танқид ва ўз-ўзини танқидни кенг авж олдиришга ёрдам берадиган танқидий руҳдаги эшиттиришлар ҳам олиб борялти. «Халқ контроли амалда» деган эшиттиришларга, «Узбекистон қурилишларида» радиожурналига киритилган фельетонларга ва «Ёшлик» радиостанциясининг танқидий эшиттиришларига жавобан жуда кўп хат-хабарлар олинди. Шу йилнинг баҳорида радиорейди ўтказилганлиги натижасида республиканинг баъзи колхоз ва совхозларида қишлоқ хўжалик машиналарини ремонт қилиш ва минерал ўғитларни сақлашдаги жиддий камчиликлар ўз вақтида бартараф қилинди.

Музика ва адабий-драматик эшиттиришлар Узбекистон меҳнаткашларига ғоят манзур бўляпти. Совет ёзувчилари ва шоирларининг асарлари кенг пропаганда қилинмоқда. Радио эшитувчилар республика ёзувчиларининг энг яхши асарларини жуда қизиқиб тингламоқдалар.

Радио ва телевидение кунлари мамлакатимиз радио эшитувчилари ва телетомошабинлари қардошларча дўстлигининг энг яхши формаси бўлиб қолди. Биз Москвада ва бир қанча иттифоқдош республикалар пойтахтларида ана шундай радио ва телевидение кунларини бир неча марта ўтказдик. Биз шу билан бирга, Тошкентда ана шу қардош республикаларнинг намояндаларини қабул қилиб, радио микрофонларини ва телевизион студияларни уларнинг ихтиёрига бериб қўйдик.

Тошкентнинг овози, тинчлик ва халқлар дўстлигини мадҳловчи овоз ер юзидаги турли қитъаларда осойишта ва иноқ билан жаранглаётган. Республика радиоси чет эл мамлакатларига инглиз, форс, урду, ҳинд тилларида эшиттиришлар олиб бормоқда. Чет элларда яшовчи ватандошларимиз учун ўзбек тилида материаллар эшиттиримоқда. Бу материалларда Урта Осиё ва Қозоғистон Совет республикаларининг иқтисодий ва маданий тараққиёти ҳикоя қилиб берилмоқда.

* * *

Совет радиоэшиттириши ва телевидениеси қинақам халқ радиоэшиттириши ва телевидениесидир. Узбекистоннинг ва қўшни республикаларнинг ҳамма районларидан бизга меҳнаткашлардан келиб турган хат-хабарлар ҳам худди ана шундан далолат беради. Ўтган йил республика радиоэшиттириш редакцияси ва Тошкент телевидение студияси 600 мингга яқин хат-хабар олди. Бу эса аввалги йилларнинг ҳаммасига қараганда анча кўпроқдир.

Бизнинг редакциямиз саноат корхоналарида, колхоз ва совхозларда радио эшитувчилар ва телетомошабинларнинг конференцияларини ўтказиб туради.

Республика партия ташкилоти Узбекистон радиоэшиттириш ва телевидениесининг бутун фаолиятига раҳбарлик қилмоқда. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети идеология ишининг ана шу энг муҳим участкасига кўп сайин жуда катта эътибор бериб келмоқда.

Бизнинг давримизда радио ва телевидениенинг имкониятлари катта, битмас-туганмас, унинг таъсир кўрсатиш кучи бениҳоядир. Радио ва телевидение ўз эшиттиришларида инсон меҳнатининг маънавий гўзаллигини, унинг Ватанга чексиз садоқатини, коммунизм қураётган совет халқи жасоратининг улуғворлигини намойиш қилмоғи керак.

ТАЛАБ ВА ИСТАКЛАР

«Оталар сўзи — ақлнинг кўзи» сериясидаги эшиттиришлар қақли равишда кўпчилигининг ҳурматини қозонди. Лекин, очиғини айтиш керак, шу серияда берилаётган кейинги пайтдаги эшиттиришларнинг барчасида муваффақиятли чиқяпти, дейиш қийин. Аввалги ҳарорат, самимият, кўтаринки руҳ ошса ошиб борсинки, бўшашмаслиги керак. Миниатюралар ҳам баъзан зўрмасўраки, «тишга тегадигандек» бўлиб қоляпти. Шулар ҳақида ҳам бир ўйлаб кўриш лозим.

Пиримқул НАЗАРОВ,
Тошкентдаги 1-мактаб-интернат ўқитувчиси, халқ маорифи аълочиси.

* * *

Олимларимиз лабораториясидан серияли материаллар бериб борилса яхши бўларди. Ана шундай қизиқарли олимлар билан оммани ўрнатсак, фан билан ҳаёт ўртасидаги алоқа янада мустаҳкамланиб боради.

Абдужаббор ИСРОИЛОВ,
Янгийўл районидаги Калинин номли колхозининг раиси.

* * *

Қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттиришларнинг формалари тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керак. Бу эшиттиришларда асосан репортаж ва лавҳалар берилади. Кўп материаллар бир қолипда, бир услубда ёзилади. Баъзан савол-жавобдар пойма-пой бўлади. Агар шу камчиликлар бартараф қилинса, қишлоқ хўжалик ходимлари учун эшиттиришлар янада серэавқроқ бўлар эди.

Мадаминжон ТОШХУЖАЕВ,
Москва районидаги Киров номли колхоз раиси.

* * *

Биз Узбекистон радиосининг болалар ва ёшлар учун эшиттиришларини доимо тинглаб борамиз. Доҳиймиз Лениннинг ёрқин образини яратувчи радиопостановкалар («Нима қилмоқ керак?», «Етунлик аттестати») бизга жуда ёқади. «Полк ўғли», «Оқариб кўринар бир елкан», «Тимур ва унинг командаси»га ўхшаш бошқа радиопостановкалар ҳам маҳорат билан яратилгани учун тингловчиларга манзур бўлаётир.

Ленин болаларнинг ҳозирги кунига бағишланган актуал темадаги постановкалар негадир жуда кам. Ана шундай радиопостановкалар кўпроқ бўлишини истардик, токи улар ўқишимизда, яшашимизда бизга озиқ-ўлмас ёрдам берса.

Раъно АБДУРАЗЗОҚОВА,
Тошкентдаги 5-мактаб ўқувчиси.

* * *

Телевизор ва радио орқали берилаётган қўшиқлари ҳеч қолдирмай тинглаб боришга ҳаракат қиламан. Чиндан ҳам улар одамга завқ-шавқ беради, ғайратингни ошириб юборади!

Бугун Радио куни баҳонаси билан битта истагимни айтиб ўтмоқчиман: баъзан радиода қачонлардир ёзиб олинган плёнкани ҳадеб қайта-қайта қўяверадилар, шуларнинг ўрнига янги-янги замонавий қўшиқлардан кўпроқ эшиттирсалар бўлмасмиди? Телевизорда ҳам ёш таланталарнинг тез-тез чиқиб туришини истардим. Чунки уларда ижрочилик маҳоратининг қандайдир янги, соф учқунларини илғайман.

ҲАБИБИЙ.

Музиканинг ажойиб ишқибози ва энг талабчан шинавандаларидан бўлган В. И. Ленин 1903 йили Лондондан юборган мактубларидан бирида: «Биз яқинда, биринчи марта яхши концертда бўлдик, айниқса Чайковскийнинг охирги (патетик) симфониясига қойил қолдик» деб ёзган эди.

Дарҳақиқат, П. И. Чайковский ажойиб опера ва балет, симфония ва концерт, ария ва кантата, романс ва турли жанрдаги бошқа кўпгина асарлари билан инсоннят меҳр-муҳаббати, таҳсинлари сазовор бўлган, рус музика санъатини юксак чўққиларга кўтарган оламшумул композитор эди.

Бугун биз Чайковскийнинг туғилганига 125 йил тўлиши муносабати билан юбилей тантаналарини ўтказар эканмиз, бу улуғ санъаткор асарларининг ижлосмандлари мисли кўрилмаган даражада кенгайиб бораётганини, турли халқлар, жумладан ўзбек музика санъатининг ҳам ўсишига у доимий кўмандош бўлаётганини, унинг эстетик-танқидий меросининг ҳам давримизгача ҳаётий омиллардан бўлиб келаётганини мамнуният билан қайд қиламиз.

Тошкентда ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида Чайковскийнинг асарлари ўтган асрнинг 70-йилларидан буён янграмоқда. Айниқса Улуғ Октябрь революциясидан сўнг унинг асарлари ўлкамизда автор тасаввур эта олмаган кўп миллатли аудиторияга эга бўлиб қолди.

Чайковскийнинг «Пиковая дама», «Евгений Онегин» опералари ўзбек тилига таржима қилиниб 40-йилларда саҳналаштирилиши республикамиз маданий ҳаётида муҳим воқеа бўлди. Бу шанлаланаётган миллий опера ижрочилигига ҳам ижобий таъсир этди.

1866—1878 йилларда Чайковский Москва консерваториясида дарс берди, жуда кўп асарлар яратди, музика танқидчиси сифатида ҳам матбуотда чиқиб турди.

Москвада Чайковский рус маданиятининг энг пешқадам намояндалари — драматург А. Н. Островский, ёзувчи Л. Н. Толстой, дирижёр, пианист, йирик музика арбоби Н. Г. Рубинштейн ва бошқалар билан учрашиб турди. Бу учрашувлар композитор дунё қарашининг шаклланишида муҳим роль ўйнади.

Бу йилларда Чайковский «Опричник», «Черевички», «Евгений Онегин» каби операларини, «Оқ қуш» балети, тўрт симфония ва бир қанча бошқа жанрлардаги асарларини яратган эди.

Ҳаётининг охирги йилларида Чайковский дирижёр сифатида ҳам кўп иш қилди. Бу даврда Чайковский жуда кўп асарлар, жумладан «Мазепа», «Пиковая дама», «Чародейка» опералари, «Уйқудаги гўзал» ва «Щелкунчик» балетлари, машҳур Олтинчи симфонисини яратган эди.

Чайковский 1885 йилдан бошлаб умрининг охиригача Москва атрофидаги хушманзара жойлардан бири — Клинда яшади. Бу бежиз эмас эди. У рус табиат манзараларини жуда севарди ва уни ҳар нарсадан устун қўярди. Ўз мактубларидан бирида: «...Мен рус табиатини жуда севаман, рус қиш манзаралари эса мен учун ҳеч нарса билан таққослаб бўлмайдиган мўъжизадир. Бу, ўз навбатида, Швейцарияни ҳам, Италияни ҳам севишимга менга тўсиқ бўлолмайди, лекин улар қандайдир бошқача». Шу туйғуларини чуқурроқ ва кенгроқ изҳор этган бошқа бир хатида: «Лермонтовнинг шеъри («Ватан»...) ватанимизнинг фақат бир томонини, яъни унинг оддий, кўримсиз, камбағал, лекин лирик ва кенг табиати билан боғлиқ бўлган нўқтамлигини жуда соз тасвирлайди. Мен ичкарироққа кириб бораман. Рус одамини, рус нутқи, русга хос ақлий хусусиятни, рус чиройи, рус одатларини ниҳоятда севаман» деб ёзган эди.

Шундай чуқур ҳис-туйғулар билан юраги тўлиб-тошган геннал композитор ўз жонажон халқи санъатини юксак чўққиларга кўтариш учун рус санъатида ўша даврда деярли эндигина ўзлаштирилган опера, балет, симфониялар ва бошқа профессионал жанрларда асарлар яратди. Немис, итальян, француз композиторлари эришган ажойиб ижодий ютуқларни ва рус миллий профессионал музикасининг асосчиси М. И. Глинканинг асарларини чуқур ўзлаштирди. Рус халқ музикасига хос хусусиятларни ҳам қунт билан ўрганди ва уни ўз асарларига моҳирона сингдирди.

У ўз халқи музикасига шу даражада катта эътиқод билан қараган ва рус музикавий ижодини тўпловчиларга ҳам юксак ҳурмат билан қараган. «...Қўшиқ халқ ижро этганидаги хусусиятлар мумкин қадар тўлароқ сақланганн ҳолда ёзилиши керак. Бу жуда ҳам оғир нарса бўлиб, энг нозик музикавий ҳис ва катта музикавий-тарихий маълумотни талаб қилади» деб ёзган эди П. И. Чайковский Л. Н. Толстойга юборган жавоб хатларидан бирида.

Шу билан бирга у миллий чекланишни, рус музикасини ўз қобиғида қолдиришга интилишни ёки бошқаларга қарама-қарши қўйилишни ёқтирмасди. Атоқли рус композитори Танеевга ёзган хатларидан бирида шундай дейди: «Музиканн дарахт билан тенглаштирганингиз тўғрисида шуни айтаманки, мен (таққослашни ўсимликлар дунёсидан олишни давом эттирганда) европа музикасини дарахт билан эмас, балки бутун бир боғ билан тенглаштирардимки, бунда турли дарахтлар: француз, немис, итальян, венгер, испан, поляк ва ҳоказолар унаверади...»

Композитор турли музика жанрларида асар яратишдаги ижодий қийинчиликлар, бунда ҳар бир жанрнинг ўзига хос хусусиятларига кўпроқ эътибор бериш кераклиги ва шунга ўхшаган бошқа ижодий тажрибалари билан ўртоқлашиб, ўз ҳамкасбларига қимматли маслаҳатлар қолдирган. Композиторнинг асосий мақсади ва интилиши яратилган асарнинг тингловчига юксак туйғу, катта бадиий-эстетик завқ бағишлашга қодир бўла олишига, ёрқин миллий хусусиятга эга бўлишига қаратилиши лозимлигини таъкидлайди.

Чайковский ижодида операнинг алоҳида ўрин тутиши ҳам бежиз эмас. Чунки бу жанр одатда кенг халқ оммасини жалб этишга қобилроқ. «...Бутун композиторларни, — деб ёзган эди санъаткор, — операга жалб қиладиган қандайдир куч бор, бу шу нарсани, фақат ўшанинг ўзи сизга омма билан боғланишга восита бўла олади. ...Ленин бунда ташқи эффектга берилмаслик керак, бадиий қиммати бўлган, кишини қизиқтирадиган ва қалбини тўлқинлантира оладиган сюжетлар танлаш керак».

У танланган сюжет либреттосининг ҳам бадиий даражаси, драматик ва театр-саҳнавийлик хусусиятлари операнинг энг муҳим компонентларидан эканлигини кўп марталаб таъкидлайди.

Умуман, Чайковскийнинг либретто автори билан ишлаш услуби ҳозир ҳам диққатни алоҳида жалб этади ва нишини завқлантиради. У катта санъаткор сифатида баъзида ўзи ҳам маълум саҳналар либреттосини яратарди, либретточига нисбатан эса жуда талабчан эди. Унинг операларн драматургиясининг юксаклиги ва оқилона талабчанлигининг натижасидир.

Петр Ильич Чайковский асарларининг кенг оммага манзур бўлишини орзу қилиб: «Мен бутун вужудим билан музикам оммалашишини, уни севувчи, ундан таъсирланувчи топувчи одамлар сони борган сари кўпайишини истардим» — деб ёзган эди.

Унинг орзулари ушалди. Ҳозир Чайковский асарлари бутун дунёда тараннум этилмоқда. Бу, албатта, инсониятнинг улуғ санъаткор маҳоратига ва самарали ижодиётига айтилган тасанносидир.

Ф. КАРОМАТОВ,
санъатшунослик номзоди.

УЛУҒ САНЪАТКОР

ПЕТР ИЛЬИЧ ЧАЙКОВСКИЙ ТУҒИЛГАНИГА 125 ЙИЛ ТЎЛДИ

ПАРТИЯ ТУРМУШИ

БИЛИМ ЎЧОҒИ

Кейинги йилларда такомиллашиб бораётган халқ университетлари меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялашда идеология ишининг энг яхши формасига айланиб бораётир. Халқ университетлари коммунистик меҳнат ҳаракати билан биргаликда халқ ташаббуси туфайли ташкил топиб, тез кунда кенг жамоатчилик ишончига сазовор бўлди. Совет кишилари ана шу университетларда ўз билим ва ҳунарларини такомиллаштирмоқдалар.

1959—1960 йилларда Андижон областида атиги 4 халқ университети бўлиб, улардаги тингловчилар сони 300-400 кишидан ошмас эди. Бу йил областимизда 18 профилдаги 121 халқ университетлари ишламоқда ва уларда 14 мингдан зиёд киши таълим олмоқда.

Область партия комитети ҳамда область совет, касаба союз, комсомол ташкилотлари, «Билим» жамиятининг область ташкилоти халқ университетларини ривожлантириш соҳасида кўзга кўринарли анча иш қилдилар. Бу ташкилотлар ташаббуси билан тузилган билим ўчоқларида эндиликда ишчилар, колхозчилар, инженер ва агрономлар, ўқитувчи, врач, студент ва ўқувчи ёшлар, шунингдек рўзғор иши билан банд бўлган аёллар ва пенсионерлар зўр иштиёқ билан билим олишмоқда.

Областимизда коммунистик тарбия, илмий атеизм, соғлиқни сақлаш, иқтисод, ҳуқуқ, турмуш маданияти, техника, химия ва қишлоқ хўжалик билимларини ўрганиш университетлари, ота-оналар учун, ишчи ва қишлоқ мухбирлари учун, уй-рўзғор ишлари билан шуғулланувчи аёллар учун ва бошқа турли соҳалар бўйича тузилган университетлар бор. Шуни қайд қилиб ўтиш керакки, эндиликда халқ университетлари областимизнинг энг узоқ қишлоқлари, колхоз ва совхозларида ҳам тузилмоқда.

Андижон Давлат медицина институти қошида ташкил топган маданият университетида (ректори институт старший ўқитувчиси Ўрток М. Г. Нордкина) адабиёт, музика ва тасвирий санъат бўйича 3 факультет бор. Уларда ўқитувчилар, врачлар, корхона ва муассасаларнинг ишчилари ўқишади. Университетда ўқилган лекциялар тингловчиларда чуқур таассурот қолдирмоқда. «В. И. Ленин тасвирий санъатда», «Рус рассомлари динга қарши курашда», «Совет Ўзбекистонида санъатнинг ривожланиши» деган темалардаги лекциялар айниқса мазмунли ва мароқли бўлди. Машғулотлардан сўнг тингловчилар учун тематик кинофильмлар ва концертлар кўрсатилади. Бу университет ишини яхши йўлга қўйишда шаҳар маданият бўлими (мудири Ўрток Р. Холиқов)нинг хизматлари катта.

«Коммунист» ва «Андижанская правда» область газета редакциялари қошида ташкил этилиб, 1961 йилдан буён ишлаётган ишчи ва қишлоқ мухбирлари университети (ректори Ўрток Е. Народецкая) ҳам яхши ишламоқда. Бу университет ишчи ва қишлоқ мухбирларининг ҳақиқий билим юртига айланган. Машғулотлар ўзбек ва рус тилларида олиб борилади, тингловчилар лекция эшитишдан ташқари, практик машғулотлар ўтадилар. Кейинги 4 йил ичида бу халқ университетини 185 киши тугатиб чиқди. Уларнинг кўпчилиги ўзининг қизиқарли хабар ва мақолалари билан область ва район газеталарига актив иштирок этмоқда. Ҳозир бу университетда 125 киши билим олмоқда.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг XIII пленуми турмуш маданиятини янада юксалтириш, эскилик сарқитларига қарши кураш, меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш масаласига катта эътибор берди ва партия ташкилотлари олдига бу соҳаларда улкан вазифалар қўйди.

Турмуш маданиятини юксалтиришда халқ университетининг ёрдам катта бўлаётир. Бу жиҳатдан Избоскан районидаги Охунбобоев номли колхозда ташкил этилган гигиена ва турмуш маданияти университетининг фаолияти мақтовга сазовордир. Университет совети ва унинг ректори қишлоқ касалхонасининг бош врачи У. Худойбердиев машғулотларни мазмунли ва турмуш билан узвий боғланган ҳолда олиб боришда намуна кўрсатмоқда. Университетда уй ишлари билан шуғулланувчи 100 дан ортиқ хотин-қиз қатнашаётир. Машғулотларда шахсий гигиена, ёш болаларни тарбиялаш, уйларни жиҳозлаш, уй-рўзғор буюмлари ва машиналардан унумли фойдаланиш масалаларига оид муҳим темаларда машғулотлар ўтказилаётир. Яқинда халқ университетларига раҳбарлик қилувчи область совети бу университетнинг ҳисоботини эшитиб, унинг фаолиятини маъқуллади ва ҳамма шу типдаги халқ университетларига унинг намунавий тажрибасини чуқур ўрганиш ва турмушга татбиқ қилиш тавсия этилди.

Областимизда яхши ишлаётган бундай университетлар сони тобора ортиб бормоқда. Андижон шаҳар, 2-мактаб-интернатда ташкил этилган турмуш маданияти университети, Янгиқўрғон районидаги 10-мактаб қошида ташкил этилган педагогика университети. Москва район, 1-ўрта мактаб қошидаги коммунистик тарбия университети, Қўрғонтепа район «Победа» колхозидаги қишлоқ хўжалик билимларини ўрганиш университетлари ана шулар жумласидандир.

Халқ университетлари ишида меҳнаткашларни коммунистик руҳда тарбиялаш йўлида ўз куч ва ғайратларини аямаётган олимларимиз, ўқитувчиларимиз, врачларимиз ва бошқа касб эгалари актив иштирок этмоқдалар. Бу соҳада биз Андижон педагогика институтининг старший ўқитувчиси Д. М. Менелевский, Андижон шаҳар маориф бўлимининг методика кабинети мудири К. Иминов, медицина институтининг старший ўқитувчиси М. Г. Нордкина, Учқўрғон район медицина-санитария бирлашмасининг бош врачи А. Ботиров, профессор Мордерштейн, «Андижанская правда» ҳамда «Коммунист» газеталарининг бўлим мудирлари Е. Б. Народецкая ва А. Олтмишев ва бошқа кўпгина ўртоқларнинг номларини ҳурмат билан тилга олишимиз мумкин.

Лекин халқ университетлари ҳамма ерда ҳам бир хилда яхши ишлаяпти, деб бўлмайди. Ҳали бизда шундай университетлар ҳам борки, уларнинг машғулотлари кўпинча паст савияда ўтади, ҳаёт билан, шу куннинг талаблари билан боғланмайди, бинобарин бундай университетларда машғулотлар зерикарли ўтади. Ҳамма жойда ҳам халқ университетларида машғулотларни олиб бориш учун зарур бўлган мутахассислар етарли деб бўлмайди.

Университетларга раҳбарлик қилиш область кенгаши, область кўрик комиссияси халқ университетларига ёрдам бериш, улардаги камчиликларни тугатиш мақсадида кўпгина чораларни кўрмоқдалар. Халқ университетлари ишини яхшилаш чоралари ҳақида «Билим» жамияти область ташкилотининг пленуми бўлиб ўтди. Пленумда касаба союзлари область Совети, область маданият бошқармаси, область соғлиқни сақлаш ва халқ маорифи бўлимлари, область комсомол ташкилоти, район партия комитетларининг секретарлари, университетларнинг ректорлари қатнашдилар.

Бундан ташқари, университетларга раҳбарлик қилувчи область кенгаши ва область кўрик комиссияси аъзолари жойларга икки марта чиқиб, университет ишлари билан ҳар томонлама танишдилар ва тегишли тадбирларни амалга оширдилар. Областимиздаги 4 олий ўқув юрти кафедралари, ўрта махсус ўқув юртлари область ташкилотлари, баъзи шаҳар ташкилотлари, олимлар ва мутахассислар халқ университетларига бириктирилди. Ҳамма шаҳар ва районларда кўрик комиссиялари тузилиб, бу комиссияларга 157 киши жалб этилди.

Ўтган йилнинг декабрь ойида бошланган ва 1965 йилнинг 1 июлигача давом этадиган халқ университетлари кўриги мавжуд камчиликларнинг тугатилишига катта ёрдам бериши керак. Область партия комитети ҳам халқ университетлари кўригини ўтказиш тўғрисида махсус қарор қабул қилди.

Бу кўрик даврида турли типдаги халқ университетларидаги ўқув-тарбия ишлари сифатини яхшилаш мақсадида машғулотларни олиб боришга олимлар, врачлар, инженер ва агрономлар, зоотехниклар, адабиёт ва санъат ходимлари, ишлаб чиқариш илғорлари ва новаторлари янада кўпроқ жалб этилади.

Ҳозирги вақтда биз халқ университетларининг жамоат советларини мустаҳкамлашга, энг яхши университетлар тажрибасини кенг ёйишга, машғулотларни олиб боришда илғор иш методларидан фойдаланишга алоҳида эътибор бермоқдамиз. Миллионлар университетига айланган ва меҳнаткашларни коммунизм руҳида тарбиялашнинг муҳим формаларидан бири бўлиб қолган халқ университетларининг фаолиятини янада яхшилаш партия ташкилотларининг ҳамиша диққат эътиборидадир.

Р. ФАЙЗИЕВ,
Ўзбекистон КП Андижон область комитетининг секретари.

Буюк Ғалабанинг 20 йиллигига

У ҚОҚИШТУВОНДАН ЭДИ

Она-Ватан тупроғига фашист ғаламлари ёпирилиб ҳужум қилган йиллар... Муаллимамиз Замира опа ана шу даҳшатли воқеалар тўғрисида сўзларди. Бир куни қариндошимиз Эрнафас анага:

— Гитлер ким? — десам, у:

— Вабо, одамзод душмани. Уни муқаддас тупроғимиздан улоқтириб ташлаймиз, — деди қўлларини мушт қилиб. Менинг назаримда унинг қўллари афсонавий Рустамнинг гурзисига ўхшарди. Эрнафас ғайри-табиий кучга эга эди. У билан тенгқурлари курашга туша олмасди, тўрт-беш киши бажарганини бир ўзи қилиб қўярди.

Эрнафас Қоқиштувон қишлоғида 1919 йилда туғилган. Унинг ёшлик йиллари ана шу қишлоқда ўтган. Дастлаб онадан, сўнг отадан жудо бўлиб ёлғиз синглиси Жавҳар билан қолди. Синглисини аммасиникида қолдириб, Қумробод қишлоғида икки йилча колхозда ишлади.

У кўнгиллилар қатори 1942 йил январида жангга отланди...

Биз уни кузатгани шаҳаргача бордик. Солдатлар тушган эшелон атрофини ота-оналар, қиз-жувонлар, ёру биродарлар ўраб олишган...

Сочига оқ оралаган бир аёл ўз ўғлининг манглайидан ўпаркан:

— Қўзичоғим, улуғ доноларнинг сўзи асло эсингдан чиқмасин, — деди. — Ғалаба билан қайтгин, ой бориб, омон кел!..

...Польша тупроғида шиддатли жанглар давом этмоқда эди. Суворов орденли 170-ўқчи полкнинг взвод командири ёрдамчиси Эрнафас Хўжаев қуролдош дўстлари билан дам олмоқда. Биров хат ёзар, биров кечаги қарши ҳужумда ёвузлар зирқираб қочганлигини завқланиб ҳикоя қиларди.

— Тревога, тревога!..

Бу товушдан бутун полк оёққа турди. Маълум бўлишича, икки кун бурун зарбага учраган фашистларнинг қолган-қутганлари куч тўплашиб Большие Тиневичи қишлоғига қарши ҳужумга ўтмоқчи бўлишибди.

Қуролдош жангчилар малъун гитлерчиларни ўзлари қазиган окопларда қириб ташлашга аҳд қилдилар.

Бутун куч душманга қарши курашга қаратилди. Бронемашиналардаги ўқчилар ҳам ҳужумга шай. Ўқ ёмғири ҳужумни маълум вақтгача тўхтатишни тақозо қиларди.

Танклардан тушиб, мустаҳкам позицияларни эгаллаган ўқчилар талафотга учрамоқда эди. Лекин душман ўқ ёмғирини тўхтатиш қийин эди. Гитлерчилар ўзиюрар тўплар билан яна шиддатлироқ ҳужум қила бошлади. Кўп ўтмай взвод командири марлларча ҳалок бўлди. Старшина унинг ўрнини босди.

— Ватан учун, халқ учун олға, дўстлар! — Старшинанинг наъраси бутун взводни тўлқинлантириб юборди. Душманга қарши ҳужумда олға бораётган ўзбек паҳлавонига бутун взвод эргашди. Тез орада Большие Тиневичи газандаларидан тозаланди. Ҳужумга йўл очиб берилди. Лочин Эрнафас жангда оғир яралар бўлди. У ана шу даҳшатли жангларда ёлғиз ўзи отишмалардан ташқари 15 фашистни найза санчиб ўлдирди.

Она-Ватан тақдири ҳал бўлаётган пайтларда, 1944 йилда у лениничи Коммунистик партия сафига қабул қилинди.

Ҳарбий қўмондонлик унинг хизматларини муносиб тақдирлаб, Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвонига тақдим этди.

Қоқиштувонлик бу мард паҳлавоннинг қаердалиги аниқ эмас эди. Жавҳар опа 1946 йилдан бошлаб район ҳарбий комиссарлигига ариза бериб, унинг қаердалигини аниқлашга киришди. «Эрнафас бедарак йўқолди», деган хат олди.

Ҳарбий комиссарликнинг яқиндан ёрдам беришн туфайли Москва архив материаллари топилди. Ундан Эрнафасга 1945 йил 24 мартида Совет Иттифоқи Қаҳрамони унвони берилиб, у Ленин ордени ва «Олтин юлдуз» медали билан мунофотланганлиги аниқ бўлди.

Эрнафас Хўжаевнинг қаҳрамонлиги тўғрисидаги гувоҳнома синглиси Жавҳар опага тантана билан топширилди. Эрнафас аканинг номи абадийлаштирилди. Қоқиштувондаги ўрта мактабга Эрнафас Хўжаевнинг номи берилди.

С. САФАРОВ.
Бухоро области.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН АССР. Амударёда навигация ишлари қизғин тус олиб кетди. ЎзТАГ фотомухбирлари И. Душкин ҳамда М. Ильяусинов ўртоқлар олган бу суратда халқ хўжалиги юкларини ортиб бораётган кемалар карвони тасвирланган.

Александр ЧАКОВСКИЙ.

Олисдаги юлдуз шуъласи

Рус совет адабиётининг йирик намояндаси Александр Чаковскийнинг «Олисдаги юлдуз шуъласи» повестида совет кишиларининг Улуғ Ватан уруши давридаги қаҳрамонлиги, Ватанга садоқати, буюк иродаси ва ҳақиқий севгиси тасвирланади.

Повесть «Тошкент» бадиий адабиёт нашриёти томонидан нашрга тайёрланмоқда. Қуйида шу повестдан парча ўқийсиз:

Жой топиб бергани учун Завьялов комендантга ташаккур изҳор қилди. Сўнг уйқуси келмаётганини, ертўла олдида бир оз очиқ ҳавода ўтирмоқчи эканлигини айтди. Комендант чиқиб кетди.

Завьялов ертўла тўсинига суяниб турарди. Атроф қоп-қоронғу, юлдузлар ҳам ғира-шира кўринади, олис-олислардан артиллерия отишмаси эшитилади, қаердадир кўзга илинмас «У-2» учиб юрибди. Завьялов тўсатдан эркак кишининг овозини эшитиб қолди:

— Кутиб турибсанми?

Офицер киймидаги киши қоронғида у томонга келарди.

— Ҳа, — деди Завьялов, — айтмоқчи... сиз нимани сўраяпсиз, ўзи?

Офицер яқин келгач, Завьялов унинг гимнастёрасида иккита Қизил Юлдуз ордени ва погонларидаги учта юлдузчани кўрди. Офицер қўлини пилотчисига яқинлаштириб бидиллади:

— Старший лейтенант Воронин.

Завьялов унга жавобан честь берди:

— Лейтенант Завьялов.

Воронин бир оз жим тургач:

— Нега ухламаяпсан, лейтенант? — деб сўради.

— Уйқум келмаяпти, ер тўла жуда дим, бу ер тузукроқ.

— Ёлғон гапирмасангчи, — деди Воронин, — Оляни кутиб турибсан-ку.

Завьяловнинг юзи қизариб кетди. У довдираб, ноаниқ жавоб берди:

— Сиз... сизнинг нима ишингиз бор?

— Гапирганимдан кейин ишим бор-да,— унинг сўзини бўлди Воронин. — Нега бу ерга келдинг, мамлакат ичларисига учиб кетиш учунми ёки қизларнинг бошини айлантирганими? Агар кетмоқчи бўлсанг бор, ухла, эртага учасан. Тушундингми?

Завьялов муштини тугди, унинг жаҳли чиқиб кетди-ю, аммо ўзини босди:

— Мен бу қизни илгари ҳам танирдим. Тинчлик давридаёқ. Кейин бир-биримизни йўқотиб қўйган эдик. Мана энди яна учрашиб қолдик. Тасодифан учрашиб қолдик, тушунялсанми?

— Бекор гап! — қовоғини солиб деди Воронин.

— Йўқ, Воронин, рост гапиряпман! Мен тунда пароходда уни қидириб, ўзимни сувга ташламоқчи ҳам бўлувдим.

Шу пайт Завьялов Оляннинг овозини эшитди.

— Володя, шу ердамисан?

У тўсатдан қоронғиликдан, қалин қарағайзорнинг қуюқ соясидан чиқиб қолгандек бўлди.

— Шу ерда, Володя деганинг шу ерда,— маъюслик билан деди Воронин.

— Аҳ, сизмисиз ўртоқ старший лейтенант! — деди ҳайрон бўлиб Оля ва яқинроқ келди. У юбка, сержант белгиси тақилган гимнастёрка ва туфли кийиб олган эди.

— Бу киши менинг командирим, — деди у Завьяловга. — Сизлар илгаридан танишмисизлар?

— Ҳа, — дея киноя билан жавоб берди Воронин, — тинчлик пайтидан.

— Ана холос, — деди Оля ҳижолат тортаётгандек шошиб-пишиб Завьяловга. — Ҳаётда шундай ҳам бўларкан. Мен старший лейтенант эскадрильясида қуролсоз бўлиб ишлайман. Эскадрилья командири самолётига хизмат қиламан.

— Биламан, — деди Завьялов.

— Хўп, мен кетдим, — деди тўсатдан Воронин, — хайрли тун. Айтгандай... — У сўзини тугатмади, елкасини учирди-да, аста одим ташлаб узоқлашди.

— Биз ҳам кетдик, — деди Завьялов ва Оляннинг тирсагидан ушлади. Улар ўрмон томонга қараб юришди.

— Оля! — шу пайт қоронғилиқда тўсатдан Воронининг овози эшитилди. Бу овоз Завьяловга аянчли ва маъюс туюлди.

— Нима дейсиз? — деди Оля тўхтаб.

— Сен... сен этигингни кийиб олсанг бўларди, — деди дўнгиллаб Воронин. — Ҳадемай шудринг тушади. Шамоллаб қоласан.

— Кўп юрмайман-ку, — деди Оля. — Володя билан бир оз гаплашиб, тез қайтаман, ўртоқ старший лейтенант! Тушундингизми?

Жавоб бўлмади.

— Юр, — деди аста Оля ва Завьяловнинг қўлидан ушлади. Завьялов Оляни сўнгги марта кўраётганини шу пайт билганда эди! Кейин бир умрга уни кўрмаслигини қаердан билибди, дейсиз! Ҳозир эса ёнида турибди, Волга бўйида бўлган тўсатўполонли кунлардаги каби унинг қўлини маҳкам ушлаб олган эди.

У пристанда, ўша даҳшатли тунда Оляни қандай қидирганини ҳикоя қилиб берди, Оля эса одамлар орасида йўқолиб кетганини ва ниҳоят бир ҳафта ўтгач Астраханга етиб келганини айтди. У ерда, ўша қиргоқдаёқ шу даҳшатли кунларда ўзининг муносиб ўрнини топажагини ва бундан кейин сув тўлқинлари оқизиб кетадиган пайраха каби бўлмаслиққа ваъда этганлигини гапириб берди. У Завьяловга Астраханга келгач, иккинчи куни ҳарбий ихтисос орттириш учун имконият беришларини сўраб, ҳарбий комиссариатга борганлигини ҳам айтди. Илтимосини рад этганларидан кейин шаҳар комсомол комитетига борибди. Ҳали ўн саккизга ҳам тўлмагани учун комсомол комитетида ҳам иши юришмабди.

Оля ким бўлиб хизмат қилишидан қатъи назар, фақат авиацияда хизмат қилишни истарди, чунки, авиацияда улар бир кунмас-бир кун учрашиб қолишлари мумкин эди-да. У горкомда кунни-тунга улаб кутди, секретарни жони-ҳолига тинч қўймай, ниҳоят ҳужжатларида туғилган йилини «тўғрилаб», кўнгилдаги «18» рақамни қўйдириб олди. Энг қийин тўсиқлардан ўтди. Авиация мутахассислари техника мактабига кириш ва қурол-аслаҳа мастери унвонини олиш унча қийин бўлмади. Шундай қилиб у фронтга, авиация штурмчилар полкига келиб қолди...

...Улар чор атрофини баланд дарахтлар қуршаб олган ничкина майсазорга чиқишди. Бу ялангликнинг устини кўкиш осмон тўсиб турган улкан қудуқ тагига ўхшарди. Олисдаги юлдузлар кўзга элас-элас ташланардилар.

— Бу менинг майсазорим, — деди Оля.— Бу ерни «Майсазорим» деб атайман. Бу аэродромда турганимизга ярим йил бўлиб қолди. Майсазорни эса яқиндагина кўриб қолдим. Бу жойни Скворцов қулаб тушганда топган эдим.

— Ким қулаганди?

—Скворцов, бизнинг учувчимиз. Уни «миссерлар» нўъ олдимда уриб туширди. Самолёт осмонда ёниб кетди. Мен кўрган дастлабки ҳалонат шу эди. Мен ўзимни тутиб туролмадим. Ҳеч ким кўрмасин, деб ўрмон ичига кириб кетдим ва шу ерга келиб қолибман. Ўтириб ҳўнг-ҳўнг йиғладим. Ўшанда мен билан ҳеч кимнинг иши йўқ эди. Худди ҳозир икковимиз билан ҳеч кимнинг иши бўлмаганидек.

— Аммо менимча, бир кишининг биз билан иши бор. Биласанми, Воронин тўғрисида гапиряпман...

— У ҳақда гапиришнинг ҳожати йўқ, — деди шошиб-пишиб Оля.

— У сендан нима истайди?

— Володя, у бизнинг энг яхши эскадрилья командиримиз, — деди Оля Завьяловнинг сўзларини эшитмаган бўлиб, — у энг одил, энг яхши одам...

— Шуларнинг ҳаммасини менга айтишинг керакми?

— Нега айтмас эканман?

— Ахир у сендан нима истайди?

— Билмайман... У менга яхшиликни раво кўрса керак. Эҳтимол мени севар. Балки севмас ҳам... Шунчаки раҳми келар?! Ҳамма мени яхши кўради. Ҳамма учувчиларимиз. Воронин эса ҳақиқий қаҳрамон.

Оля бу сўзларни ҳотиржамлик билан айтди. Завьялов ундан бутунлай бошқа сўз эшитмоқчи эди.

— Қандай қаҳрамонлик кўрсатибди? Нечта «миссер»ни уриб туширди, биттами, иккитами ё бештами? — деди Завьялов ва шу дақиқада ўз овозидан ўзи нафратланди.

— У икки юз мартадан кўпроқ учиб жанг қилди ва иккита «миссер»ни уриб туширди. Бизда ундан ҳам кўп уриб туширганлар бор, — ҳамон хотиржам жавоб қайтарарди Оля. — Аммо у бошқалар қилмаган ишни қилди. Ўз ўртоғини қутқариб қолиш учун душман турган жойга қўнди: ўртоғи самолёти шикастланганидан кейин парашютда ерга тушган. Воронин эса самолётини унинг ёнига қўндириб, учувчи дўстини самолётга чиқариб олган. Немислар атрофдан югуриб келиб, автоматлардан ўққа тута бошлаганларида, у учиб кетган.

Оля бу сўзларни муболагасиз гапирарди. Завьялов уялиб қолди. У нарироқ бориб, қалин майса устига ўтирди. Чалқанчасига ётиб, кўкимтир осмонга тикилди.

Завьялов қизнинг ўт устида юрган қадамларини сезмади. Оля унинг ёнига келиб, қўлларини тиззалари устига қўйиб ўтирди. Шу пайт узоқдан отилган ўқ осмонда из қолдириб сўнди.

— Бу ўқлар... галати-я... — деди Оля,— биринчи кунлари мен унга сира кўникма олмадим. Улар худди мушак каби чиройли, ёруғ, лекин улар ажал ўқи. Ёхуд ўлим қўлини ёритиб туради. Ўлимга йўл очиб беради...

Ўлим тўғрисидаги сўз Завьяловни бирданига таҳлиякага солди. Илгари ўйлаб кўрмаганларини у бутун вужуди билан тасаввур қилди. У аэродромни немислар бомбардимон қилаётганлигини, учиш майдонида қотиллар изғишганини, фугас бомбалари даҳшат билан ёрилган жойга Оляннинг тез югуриб борганини кўз олдига келтирди. Ажал Оляни ўз чангалига олмоқчи бўларди. У бу даҳшатларни шунчалик аниқ тасаввур қилдики, қатто «Оля!» деб бақириб юбормаслик учун ўзини аранг тутиб қолди. Дарҳол ўрнидан туриб, уни қучоқлаб бағрига босди. Унинг бу ҳаракатида на ҳис, на эҳтирос бор эди. У Оляни мухофаза қилмоқчи, қизнинг тириклигини, унга ҳеч қандай хавф-хатар таҳдид қилмаётганини билмоқчи эди, холос.

Завьялов Оляни анча вақт бағрига босиб турди, қизнинг пилётнаси бошидан тушиб кетди. Оля бошини кўтарди, унинг лаблари Завьялов лабларига яқинлашди... бу уларнинг биринчи бўсаси эди. Бу улар бирга бўлган биринчи неча, улар ҳаётида биринчи тун эди. Икковлари ҳам ишқ-муҳаббатда тажрибасиз бўлганларидан ҳаяжон ва ҳайиқишдан юраклари дукиллаб урарди. Улар ўзлари учун бутунлай янги дунё остонасида туришар ва унинг эшигини очишга ҳайиқишарди.

Атрофда эса минглаб километр масофада жанг борар, одамлар ҳужумга ташланар эдилар. «Катюша»нинг қизил чизиқлари унинг оловли йўлларини кўрсатиб турарди. Бомбалар портлар, артиллерия ўқлари гумбурлар, генераллар карталар устида бош қотириб туришар, разведкачилар эмаклаб, душман орқа томонига ўтар, фашист зондер командалари одамларни диминтириб ўлдириш учун навбатдаги рейсга тайёрланар, жаллодлар Майданек печларига ўт ёқар, механиклар аэродромларда уйқудан уйғониб, самолётларни жангга шай қилиш учун йўлга тушардилар...

Завьялов билан Оля тонг саҳарда уйғонишди. Энди дарахтлар нўзга аниқроқ ташланиб, осмон ёриша бошлади. Сайроқи қушларнинг , хониши эшитилди. Узоқдан эшитилиб турган гумбир-гумбирлар тўхтади. Энди битта ҳам ўқ осмонни ёритмасди, битта ҳам самолёт шағилламас, фақат кўз илгамас дарахтларнинг қуюқ шохларида қушлар ўзларининг оддий абадий қўшиқларини куйлашарди. Завьялов билан Оля осмонга боқиб ёнма-ён ётардилар.

Ниҳоят Завьялов аста сўради:

— Бундан кейин сени қаердан топаман, Оля? Ахир, биз ҳозир хайрлашамиз-ку?

— Топасан, — жавоб берди Оля. — Агар истасанг топасан...

Русчадан
Санжар ТИЛЛА
таржимаси.

Ҳатларингизга ЖАВОБ беламиз

СИР ОЧИЛДИ

Жарқўрғонлик меҳнаткашлардан олинган хатда Ламмикор посёлка Советининг раиси У. Кистаупов ва секретари Х. Мукаева ўз вазифасига совуққонлик билан қараётгани, меҳнаткашларнинг ариза ва шикоятларини ҳал қилишда сансалорликка йўл қўяётгани, кўп болалик оналар ва пенсионерларга тегишли ҳақдан «чой чақа» олиб колаётгани кўрсатилган эди.

Текширишда меҳнаткашларнинг хатида келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Уз вазифасига совуққонлик билан қараганги, молия интизомини мустаҳкамлаш устидан етарли назорат олиб бормагани учун Ламмикор посёлка Советининг сессияси У. Кистауповни посёлка Советининг раислиги вазифасидан бўшатди. 497 сўм 60 тийин пулни ўзлаштиргани учун Х. Мукаева секретарлик вазифасидан олиб ташланди. Ундан ўна шу пул ундириб олинди. Халқ суди Х. Мукаевани қилмишига яраша жазолади.

КЎЗБЎЯМАЧИЛАР

Самарқанд область партия комитети редакцияга қуйидагиларни хабар қилди.

Редакциядан юборилган хат юзасидан ўтказилган текширишда унда келтирилган фактлар тўла тасдиқланди. Нурота район 1-«Қўшработ» совхози 4-бўлимининг омбор мудири Х. Садиров мансабини суиистеъмол қилиб, хўжалигининг 4.090 килограмм бугдойини, 1.226 килограмм мойли экинлар уруғини ўзлаштирган. Шу йўл билан 1.117 сўм намоматга йўл қўйган.

Шу бўлимнинг зоотехниги Х. Ҳақнулов, бухгалтери Ш. Қозоқов бўлим бошқарувчиси Сатторов билан тил бириктириб, ишчилардан 401 бош қўй ва 15 бош қорамол сотиб олганлар. Кейинчалик бу чорва моллари иссиқ овқат учун сўйилгани ҳақида сохта ҳужжат тузганлар. Ҳисобот дафтарида эса бу моллар хўжалигининг ўзида етиштирилган, деб кўрсатилган. Х. Ҳаққулов ва Ш. Қозоқов 1961 йилда 53 минг килограммга яқин сутни «бузоқларга ичирилди» деган баҳона билан ҳисобот дафтаридан чиқарганлар.

Юқоридаги жиноий ишларга йўл қўйгани ва маҳсулот тайёрлашда кўзбўямачилик қилгани учун Х. Садиров, Х. Ҳаққулов, Ш. Қозоқов ишдан олиниб жиноий жавобгарликка тортилди. Тергов материаллари халқ судига оширилди.

ШАХМАТ

МУЛОҲАЗАЛАР

ОСМОНДА юлдуз кўп, уларнинг ҳаммаси ҳам йўлчи юлдуз бўла олмайди. Ҳаниқий халқ ўйинига айланган шахмат бўйича минг-минглаб турли мусобақалар ўтказиб турилади. Мусобақалар етакчи ўйинчилар ва айниқса, ёшлардан етишиб чиққанлар учун маҳорат мактаби ва айни вақтда уларнинг билимига имтиҳонлик вазифасини ўтайди. Аёллар ўртасидаги республика XXIV, эркаклар ўртасидаги XXX чемпионатлар Бухоро ва Самарқанд шаҳарларида ўтказилиб, яқинда уларга янун ясалди.

12 учрашувнинг ўн биттасида ғолиб чиқиб, биттасинигина дуранг қилган тошкентлик инженер Раъно Ниёзбекова рекорд натижага эришди ва биринчи марта республика чемпиони унвонини олишга муяссар бўлди. 16-17 ёшлигидаёқ жаҳон чемпиони Е. Бинова билан муваффақиятли кураша олган бу қизнинг маҳорати йил сайин ўсди, ниҳоят, баркамол эканлигини кўрсатди.

Шахматни ёшликдан севган Раъно шахмат тахтачаси устида шубҳасиз ҳали яна кўпгина довонларни ошади, ҳалол меҳнати, тиришқоқлиги билан янгидан-янги чўққиларни забт этади.

Мусобақанинг энг ёш қатнашчиси, Тошкент хотин-қизлар педагогика билим юртининг биринчи курс студентаси Марҳабо Турғунованинг олтинчи ўринга чиққанлиги ҳам диққатга сазовордир.

Эрканлар чемпионатида ҳам ёшлар маҳорат кўрсатишди. Мактаб ўқувчилари республика терма командасининг аъзолари андижонлик В. Вороновнинг ушбу сатрлар авторидан кейинги иккинчи ўринга чиққанлиги, фарғоналик 17 яшар В. Маниннинг эса учинчи-тўртинчи, бешинчи, олтинчи ўринга илашганлиги ва иккаласи ҳам спорт мастерлигига кандидат нормасини бажарганлиги қувончли воқеадир.

«Жанг»да ўз устози — мастерликка кандидат И. Назаровни ҳам «ялмаган »ва жадвалда ундан ўзган Воронов, ҳали жуда ёш бўлишига қарамай, бир неча мастерлар устидан галаба қозонишга улгурган В. Манин — умидли ўринбосарларимиздан.

Шу йили студент ва ишчи ёшлар Бутуниттифоқ турнирида биринчи ўринни, 15 та энг кучли ёш мастерлар ва мастерликка кандидатлар ўртасида жаҳон биринчилиги олдидан ўтказилган турнирда эса 5-ўринни эгаллаган олмалиқлик В. Аъзамовнинг маҳорат даражаси кун сайин такомиллашаётганлиги қувончлидир.

Ҳар қандай чигал позицияларда ҳам эсаннирамайдиган бу ёшларнинг дастидан комбинациялар қочиб қутула олмайдиган бўлиб қолди. Вақтдан тўғри ва тўла фойдаланиб, цейтнот «касал»ига мубтало бўлмаслик, эндшпилларни аниқ ўйнаш, вазият қулайлигида рақиб шоҳини нишондан қочирмаслик, зарур бўлиб қолганда эса ўз позициясини қаттиқ туриб ҳимоя қила билишлик — уларнинг ижодига хос хусусиятлардандир.

Юбилей чемпионатининг ибратли томонларидан яна бири шу бўлдики, унга конкурсдан ташқари иштирок этган гроссмейстер И. Болеславский ёшлардан «имтиҳон» олибгина қолмай, имконияти борича уларга катта шахмат сирларини ўргатди, ҳаваскорлар билан кўпгина учрашувлар ўтказди. Бўлиб ўтган чемпионатлар республикамиз шахмат тарихида ўчмас из қолдирганлиги муқаррар.

М. МУҲИДДИНОВ.
Ўзбекистон шахмат федерациясининг раиси, СССР спорт мастери, республика чемпиони.

СССР ХАЛҚЛАРИНИНГ ДЎСТЛИГИ ВА БИЗНИНГ БУЮК ҒАЛАБАМИЗ

(Боши биринчи бетда).

28 гвардиячи — панфиловчининг Москва яқинида бир неча ўнлаб фашист танкларига қарши қилган жанги Улуғ Ватан урушининг йилномасига турли миллат жангчилари бузилмас қардошлигининг ажойиб намунаси бўлиб ёзилди. Рота политруги В. Г. Клочковнинг: «Россия улкан бўлса ҳам, чекинадиган жой қолмади — орқамизда Москва турибди!» деган оташин сўзлари энди машҳур бўлиб қолган ўша Дубосековo разъезида жанг қилаётган русларнинг ҳам, украинларнинг ҳам, қозоқларнинг ҳам, бошқа миллатлар намояндаларининг ҳам муштарак фикрини, яғона иродасини ифодалаб берди.

Ўзининг қуролдош ўртоқларининг олға боришига йўл очиб бермоқ учун душман даотининг оғзини ўз кўкраги билан тўсиб турган рус солдати Александр Матросовнинг жасорати асло ўлмайди. Бу жасоратни бошқа миллатларнинг ўнлаб жангчилари такрорлади. Булар орасида — ўзбек Т. Эрйигитов, эстон И. И. Лаар, украин А. Е. Шевченко, қирғиз Ч. Тўлабердиев, молдаван И. С. Солтис, қозоқ С. Б. Боймағамбетов ва 200 дан зиёдроқ бошқа кўпгина совет жангчилари бор.

Мамлакатимиздаги ҳамма халқларнинг фарзандлари Москва ва Ленинградни, Киев ва Севастополни, Одесса ва Воронежни қаттиқ турғб ҳимоя қилишди, Волга ва Днепрдаги, Орёл-Курск дугасидаги ва Берлиндаги жангларда қаҳрамонлик мўъжизаларини кўрсатишди. Рейхстаг устига қизил ғалаба байроғини ҳам турли миллатларнинг қаҳрамон жангчилари ўрнатганлиги тасодифий эмас...

Турли миллатлардан бўлган совет кишиларининг социалистик Ватанга садоқати, уларнинг жанговар дўстлиги душманнинг орқа томонида, гитлерчи босқинчилар вақтинча оккупация қилиб олган территорияда авж олиб кетган партизанлар ҳаракатида ўзининг жонли ифодасини топди. Ўша вақтда умумхалқ партизанлар курашининг алангаси Белоруссияга, Украинага, Молдавияга, Россиянинг душман босиб олган айрим областларига ёйилди. Халқ партизанлар ҳаракати Болтиқ бўйи республикалари территориясида — Литвада, Латвияда ва Эстонияда ҳам кенг авж олди. Маълумки, бу республикалар мамлакатимизга фашистлар ҳужум қилмасдан сал олдинроқгина Совет давлати билан қайта қўшилган эдилар. Болтиқ бўйи республикаларининг Россия Федерацияси ва Белоруссиядаги партизанлар билан чамбарчас боғланган ватанпарварлари улардан ҳар тарафлама ёрдам ва мадад олиб, оккупациячиларга қарши актив кураш олиб бордилар.

Ватан уруши йилларидаги партизанлар ҳаракати чинакам умумхалқ ҳаракати бўлди, партиянинг буюк идеялари, партиянинг сиёсати билан руҳланган бу ҳаракат бутун совет халқининг юксак маънавий руҳини, қизғин ватанпарварлигини ва жиноятчиларга ёқмаган ишларини ифодалади. Халқ қасоскорлари орасида мамлакатимиздаги барча қардош халқларнинг ўғиллари ва қизлари бор эди.

Совет жангчиларининг фронтдаги қаҳрамонлиги ва душманнинг орқа томонидаги умумхалқ кураши оммавий тус олганлиги совет жамиятининг социал-сиёсий ва ғоявий бирлигини, мамлакатимиздаги ҳамма миллатларнинг социалистик ватанпарварлиги ва дўстлигини ёрқин акс эттирди. Партия Ватан ҳимоячиларини ленинча миллий сиёсат руҳида ҳормай-толмай тарбиялаб келди. СССР халқларининг қардошларча дўстлиги, уларнинг ғалабага бўлган ишончи, манфур босқинчиларни тор-мор келтиришга бир ёқадан бош чиқариб интилганлиги душман билан бўлган тўқнашишларда бардам бўлиб туришимизга ва душман устидан тўла ғалаба қозонишимизга ёрдам берди.

Фронтдаги совет жангчилари ўзларини бир оила деб ҳис қилганликлари уларни руҳлантириб турди ва жиноятчиларга қарши ўзининг социалистик Ватанини шараф билан ҳимоя қилишга ҳамда унинг қуролли кучлари ва ўзининг ҳаётини ана шу шонли кун билан қизғин табриклади ва совет халқи ҳамда унинг қуролли кучлари гитлерчилар Германиясига қарши урушда ўзининг социалистик Ватанини шараф билан ҳимоя қилишгина қолмай, балки ўзининг пролетар интернационал бурчини ҳам жуда яхши бажарди, деб таъкидлади. Ю Хо Чун Совет Иттифоқи ва Корея халқлари ўртасидаги дўстлик ва жиноятчиларга қарши, тинчлик, социализм ва коммунизм учун биргаликда олиб борилаётган курашда бундан буён ҳам ривожланиб, мустаҳкамланиб бораси, деб ишонч билдирди.

Ватанга қизғин муҳаббат, душманга нафрат туйғулари, биргаликда қилинган ҳаракат ва зўр ғайрат мамлакатимизнинг халқларини янада кўпроқ яқинлаштирди ва иноқлаштирди. Халқ оммаси орасида Совет Армияси учун озиқ-овқат фондларини яратиш йўлидаги ватанпарварлик ҳаракати вужудга келди, мамлакатнинг ҳамма қисмида ҳарбий техникани яратиш учун пул маблағлари тўплаш авж олиб кетди. Уруш йилларида мудофаа фондига 16 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ тошпирилди. Механиткашлар жангчилар учун тўплаган совғаларини эшелон-эшелон қилиб юборибгина қолмай, фронтга ва мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашнинг бутун оғирлиги шарқий районлар зиммасига юкланган эди. Волга бўйи ва Урал, Сибирь ва Қозоғистон, Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларининг деҳқонлари уруш йилларида Ватан олдидаги ўз бурчларини жуда яхши англаб меҳнат қилдилар. Бу районлар дон, қанд лавлаги, мойли экинлар ва техника экинлари, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда асосий районлар бўлиб қолди. Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистоннинг қишлоқ механиткашлари пахта етиштирибгина қолмай, балки катта-катта массивларда дон, сабзавот, картошка ҳам эка бошладилар. Қирғизистон колхозчилари мамлакатга мумкин қадар кўпроқ қанд лавлаги, чорвачилик маҳсулотлари беришга ҳаракат қилдилар. Қозоғистоннинг колхоз ва совхозлари гўшт, сут, жунни тобора кўпроқ миқдорда тайёрладилар. Колхозчи деҳқонлар фидокорона меҳнат қилиб, душманни тор-мор келтириш ишига муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Уруш йилларида ҳар бир республика далалари ва фермаларининг донгдор моҳир усталари етишди. Мамлакат ичкарисидаги ана шу чин қаҳрамонларнинг номлари — олтойлик механизатор Семён Пятница, сибирлик картошка етиштирувчи Анна Юткина, рязанлик тракторчи Дарья Гармаш, вологдалик чўчқабоқар Александра Люскова, украиналик тракторчи Прасковья Ангелина, қозоғистонлик галлакор Чаганак Берсиев, қирғизистонлик лавлагикор Сурахан Қайназарова, ўзбек пахтакори Ҳамрақул Турсунқуловларнинг номлари совет халқлари хотирасида сақланиб қолди.

Ленинча миллий сиёсат герман фашизмига қарши олиб борилган жангда ғоят жиддий ҳаётий синовга бардош берди. Ленинча миллий сиёсатнинг амалга оширилиши натижасида СССРдаги барча миллатлар ўзларининг миллий давлатини, экономика ва маданиятини ривожлантириш учун жуда катта имкониятга эга бўлдилар. Мамлакатимизнинг халқлари ўзларининг Улуғ социалистик Ватанини қаҳрамонона ҳимоя қилдилар, чунки улар бу билан ўз озодлиги ва ҳуқуқий тенглигини, ўз миллий иззат ҳурматини, миллий маданиятини, мустақил тарихий ривожланиш ҳуқуқларини ҳимоя қилганликларини билар эдилар.

Ленин партияси чиниқтирган, Улуғ Ватан уруши йилларида қаттиқ синовдан ўтиб янада кўпроқ мустаҳкамланган халқлар дўстлиги тинч меҳнат билан ўтган кейинги йигирма йил мобайнида янада мустаҳкамланиб, ривожланиб борди. Коммунизмнинг моддий техника базасини қуриш социалистик миллатларни янада маҳкам яқинлаштиришга олиб келмоқда. Партия ленинча миллий сиёсатни қатъият ва изчиллик билан амалга ошириб ўз Программасида илгари сурган вазифани — **барча совет миллатлари ва элатларининг экономикаси ҳамда маданиятини ҳар томонлама ривожлантира бориб, уларнинг қардошларча ҳамкорлиги ҳамда ўзаро ёрдамини кучайтира боришини таъминлаш, ҳаётнинг барча соҳаларида жиндаш ва яқинлашувини таъминлаш, ССР Иттифоқини бутун чоралар билан мустаҳкамлашга эришиш** вазифасини сабот-матонат билан ҳал этмоқда.

КПСС Марказий Комитети октябрь, ноябрь ва март Пленумларининг КПСС XX, XXI ва XXII съездлари ишлаб чиққан мустаҳкам ленинча бош йўлни муваффақиятли амалга ошириш учун бутун шарт-шароитни вужудга келтиришга қаратилган қарорлари интернационализм ва халқларнинг қардошларча жиндаш принципларига асосланган миллий муносабатларни ривожлантириш учун ҳам жуда катта аҳамиятга эга. Ана шу ленинча принципларга содиқ бўлган партия миллатчилик ва шовинизмнинг ҳар қандай кўринишлари ва сарқитларига қарши муросасиз кураш олиб бормоқда, совет халқларининг бирлиги ва жиндаш принципларини социализмнинг буюк ютуғи деб билиб, бу бирлик ва жиндашни мустаҳкамлаш тўғрисида доим ғамхўрлик қилмоқда.

СССР халқларининг қардошларча дўстлиги Совет давлатининг тош метиндек мустаҳкамлиги, иқтисодий ва мудофаа қудратининг манбаи бўлиб келди ва шундай манба бўлиб қолаверади. Кўп миллатли социалистик давлатимизнинг ана шу қудрати совет халқининг, барча социалистик мамлакатлар халқларининг социализм ва коммунизм учун курашида, барча тинчликсевар кучларнинг империализмнинг агрессив ниятлари ва ҳаракатларига қарши, ер юзида мустаҳкам тинчлик ва тараққиёт учун олиб бораётган курашида мустаҳкам таянчдир.

(«ПРАВДА», 6 май).

ТОШКЕНТ ГАРНИЗОНИ ҚЎШИНЛАРИГА БУЙРУҚ

1965 йил 7 май № 28

Тошкент шаҳри.

§ 1.

Совет халқининг фашистлар Германияси устидан эришган ғалабасининг 20 йиллигини нишонлаш муносабати билан 1965 йил 9 май куни эрталаб соат 9 да Тошкентдаги В. И. Ленин номли майдонда Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг паради бўлади.

Парадни Туркистон ҳарбий округи қўшинларининг қўмондони армия генерали **И. И. Федюнинский** қабул қилади.

Парадга қўмондонлик қилиш менга топширилган.

§ 2.

Қисм командирлари линейликларни ўз вақтида юборишни, қўшинларни парадга тасдиқланган тартибга мувофиқ белгиланган вақтда олиб чиқишлари зарур.

§ 3.

Артиллерия салюти мен берган кўрсатмаларга мувофиқ амалга оширилсин.

§ 4.

В. И. Ленин номли майдонда тартибни сақлаш юзасидан умумий раҳбарликни Тошкент шаҳар гарнизони коменданти подполковник **И. С. Рижикка** топшираман.

Тошкент гарнизони бошлиғи, Туркистон ҳарбий округи қўшинлари қўмондонининг биринчи ўринбосари генерал-лейтенант Л. БАУКОВ.

Редактор **М. ҚОРИЕВ.**

ПЛАНЕТАМИЗ ЯНГИЛИКЛАРИ

ДУНЁ ХАРИТАСИ ОЛДИДА

БИРИНЧИ май байрамида қатнашиш учун СССРга келган Вьетнам Демократик Республикаси, Ҳиндистон, Непал, Польша ва Цейлон делегациялари Ўзбекистон билан танишмоқдалар. Суратда делегацияларнинг аъзолари Ўзбекистон Халқ хўжалиги ютуқлари виставкасида бўлишган пайт.

Р. Шамсиддинов фотоси. (ЎзТАГ фотохроникаси).

ҚАРДОШ СОЦИАЛИЗМ МАМЛАКАТЛАРИДА

ГЕРМАНИЯ ДЕМОКРАТИК РЕСПУБЛИКАСИ ХАЛҚ ПАЛАТАСИНИНГ МАЖЛИСИ

Берлинда Германия Демократик Республикаси Халқ палатасининг немис халқи фашизмдан озод қилинган кунининг 20 йиллигига бағишланган мажлиси бўлиб ўтди.

Германия Бирлашган социалистик партияси Марказий Қўмитетининг биринчи секретари Германия Демократик Республикаси Давлат кенгашининг раиси Вальтер Ульбрихт «Германия Демократик Республикасининг ва Ғарбий Германия тинчликсевар кучларининг миллий миссияси» деган баёнот берди.

ШОНЛИ САНА

Чехослован халқи шу кунларда тарихий Прага қўзғолони қатнашчиларини самимий табриклямоқда. 1945 йил 5 майда Прагаининг меҳнат аҳли фашистлар зулмига қарши ҳал қилувчи жангга отланди. Машинасозлар, трамвайчилар, озиқ-овқат саноати ходимлари, студентлар баррикаларинг. Златоуст ва бошқа заводларнинг металлургларга кучларини ҳам, вақтларини ҳам аямай меҳнат қилавердилар. Пўлат эритувчилардан Верхний-Исет металлургия заводидаги Нурулла Базетов, «Уралмаш» заводидаги Иброҳим Валиев ва Дмитрий Сидоровский ҳар бир агрегатдан энг кўп миқдорда пўлат олиш мусобақасини бошлаб бердилар. Уруш бошланганидан кейин 4 ой ўтиши биланоқ мамлакатнинг шарқий районларида сифатли прокат ишлаб чиқариш урушдан олдинги вақтдагига қараганда икки баравар кўпайди.

Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари индустриясининг механиткашлари душманни тор-мор келтиришга катта ҳисса қўшдилар. Масалан, 142 та завод Қозоғистон районларидан мамлакатнинг ичкарисига кўчирилаётган мураккаб шароитда халқлар дўстлигининг кучи ғоят порлоқ равишда намоён бўлди. Саккизта иттифоқдош республикадаги — Украина, Белоруссия, Молдавия, Литва, Латвия, Эстония, Карел-Фин республикаларидаги ва Россия Федерациясининг кўпгина областларидаги бутун-бутун саноат тармоқлари эвакуация қилинаверди. Одамлар ва техника ташиб олинганлиги, улар мамлакатнинг шарқий районларига кўчириб келтирилганлиги, эвакуация қилинган корхоналар монтаж қилиниб, ўрнатилиб, ишга туширилганлиги — ишчилар, транспортчилар, барча совет кишиларининг душман устидан ғалаба қозониш учун олиб борган қаҳрамонона курашининг йилномасидаги ажойиб саҳифадир.

Мамлакатнинг шарқи қисқа муддат ичида ҳарбий саноат ишлаб чиқаришнинг асосий базасига айлантирилди. Масалан, мамлакат шарқида Ленинградликлар, уралликлар, сибирликлар, украинларнинг фидокорона меҳнати билан танклар ишлаб чиқарадиган саноат вужудга келтирилди. Ленинграддаги Киров заводи Челябинск трактор заводи ва Харьков дизель заводи билан қўшиб юборилганлиги натижасида мамлакатда энг катта танксозлик корхоналардан бири вужудга келганлиги бу корхонага халқ «Танкоград» деб ном берганлиги сингари ажойиб факт тарихда совет кишиларга бирлиги ва қардошлигининг рамзи бўлиб қолди.

Жанубдаги металлургия вақтинча қўлдан кетганлиги сабабли мамлакатни металл билан таъминлаб туришнинг бутун оғирлиги Урал ва Ғарбий Сибирь ишчиларининг устига тушди. Магнитогорск, Нижний Тагил, Кузнецк комбинатларининг, Златоуст ва бошқа заводларнинг металлургларга кучларини ҳам, вақтларини ҳам аямай меҳнат қилавердилар. Пўлат эритувчилардан Верхний-Исет металлургия заводидаги Нурулла Базетов, «Уралмаш» заводидаги Иброҳим Валиев ва Дмитрий Сидоровский ҳар бир агрегатдан энг кўп миқдорда пўлат олиш мусобақасини бошлаб бердилар. Уруш бошланганидан кейин 4 ой ўтиши биланоқ мамлакатнинг шарқий районларида сифатли прокат ишлаб чиқариш урушдан олдинги вақтдагига қараганда икки баравар кўпайди.

Қозоғистон ва Ўрта Осиё республикалари индустриясининг механиткашлари душманни тор-мор келтиришга катта ҳисса қўшдилар. Масалан, 142 та завод Қозоғистонга кўчириб келтирилган эди. Уруш йилларида Қарағанда кўмир ҳавзасининг, Эмба нефть конларининг, республика рангли металлургиясининг аҳамияти жуда ошиб кетди. Қурол-яроғ ишлаб чиқармоқ учун мис, қўрғошин, фосфоритлар зарур бўлиб қолди. Шунинг учун ҳам Чимкент ва Лениногорск қўрғошин заводлари, Усть-Каменогорск қўрғошин-рух комбинати, Балхаш ва Қарсақпай мис эритиш заводлари, Қоунрад ва Жезқазғон мис конлари, «Шарқий Қоунрад» молибден кони, Актюбинск ферросплав заводи коллективларининг қаҳрамонона меҳнатини мамлакат абадий эслаб чиқармайди. Қарағанда шахтёрлари, Эмба нефтчилари, шунингдек Туркманистон нефтчилари тобора кўпроқ ёқилғи бериб турдилар.

Ўзбекистон Совет Армиясининг арсеналларидан бири бўлиб қолди. Урушдан аввалги йиллардаёқ Ўзбекистонда неча юзлаб корхоналар қурилиб, ишга туширилган эди. Урушнинг дастлабки ойларида республикага кўчириб келтирилган 90 завод ва фабрика тикланиб, юргизиб юборилди. Ўзбекистонга келган рус, украин, белорус ишчилари, инженер ва техниклари ўз билим ва тажрибаларини маҳаллий миллат ишчиларга ва мутахассисларига ўргатдилар. Республика саноати уруш йилларида қўмир, нефть, мис, қўрғошин, вольфрам ва молибден қазиб олишни, электр энергияси, қурол-яроғ ва ўқ-дори ишлаб чиқаришни, шунингдек истеъмол буюмлари ва озиқ-овқат маҳсулотлари тайёрлашни улуғсиз қўпайтира борди.

Уруш бошланган чоқда Озарбайжон Совет Иттифоқининг асосий нефть базаси бўлди. Бу республиканинг нефтчилари жуда катта қийинчиликларни енгиб, нефть саноати ходимлари бошлаган Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг олдинги сафларида бордилар. Улар ана шу мусобақада 48 марта биринчи ўринни эгаллаган ва 14 марта Давлат мудофаа комитетининг кўчма Қизил байроғини олдилар. Кишиларнинг фронтга кетиб қолганлиги натижасида нефть саноатидаги бригадалар сони икки баравардан зиёд камайди. Фронтга кетмай қолган кишилар кундузни кундуз, кечани кеча демай конларда фронтчиларга меҳнат қилдилар. Озарбайжоннинг минг-минглаб ишчилари ва мутахассислари Бошқирдистон, Волга бўйи, Туркманистонда ва мамлакатнинг бошқа шарқий районларида нефть саноатини вужудга келтириш ва ривожлантиришга ёрдам бердилар. Грузия ва Арманистон халқлари мамлакат ичкарисида қаҳрамонона меҳнат қилиб, шухрат қозондилар.

Қардош республикаларнинг миллионларча қишлоқ меҳнаткашлари қаҳрамон ишчилар синфи билан бир ёқадан бош чиқариб душман устидан ғалаба қозонишга замин тайёрладилар. Бизнинг саноатимиз уруш даврида армия учун қурол-яроғ ва ҳарбий анжомлар ишлаб чиқаришнинг мустаҳкам базаси бўлса, қишлоқ хўжалиги фронтни ва мамлакат ичкарисини озиқ-овқат ҳамда хом ашё билан таъминлаб турди. Колхоз тузуми уруш йилларининг синовларига шараф билан бардош берди ва қишлоқ хўжалигини бошқаришнинг социалистик системаси бениҳоя афзал эканлигини намойиш қилди.

Халқларнинг дўстлиги ва ўзаро ёрдамигина армия ва халқни таъминлашдаги бениҳоя катта қийинчиликларни бартараф қилишимизга ёрдам берди. Маълумки, урушнинг дастлабки даврида энг кўп ғалла етиштирувчи районларни душман босиб олган эди. Мамлакатимиз экин майдонларининг қарийб ярмидан маҳрум бўлиб қолган эди. Фронтни ва мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашнинг бутун оғирлиги шарқий районлар зиммасига юкланган эди. Волга бўйи ва Урал, Сибирь ва Қозоғистон, Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларининг деҳқонлари уруш йилларида Ватан олдидаги ўз бурчларини жуда яхши англаб меҳнат қилдилар. Бу районлар дон, қанд лавлаги, мойли экинлар ва техника экинлари, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда асосий районлар бўлиб қолди. Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистоннинг қишлоқ меҳнаткашлари пахта етиштирибгина қолмай, балки катта-катта массивларда дон, сабзавот, картошка ҳам эка бошладилар. Қирғизистон колхозчилари мамлакатга мумкин қадар кўпроқ қанд лавлаги, чорвачилик маҳсулотлари беришга ҳаракат қилдилар. Қозоғистоннинг колхоз ва совхозлари гўшт, сут, жунни тобора кўпроқ миқдорда тайёрладилар. Колхозчи деҳқонлар фидокорона меҳнат қилиб, душманни тор-мор келтириш ишига муносиб ҳиссаларини қўшдилар.

Уруш йилларида ҳар бир республика далалари ва фермаларининг донгдор моҳир усталари етишди. Мамлакат ичкарисидаги ана шу чин қаҳрамонларнинг номлари — олтойлик механизатор Семён Пятница, сибирлик картошка етиштирувчи Анна Юткина, рязанлик тракторчи Дарья Гармаш, вологдалик чўчқабоқар Александра Люскова, украиналик тракторчи Прасковья Ангелина, қозоғистонлик галлакор Чаганак Берсиев, қирғизистонлик лавлагикор Сурахан Қайназарова, ўзбек пахтакори Ҳамрақул Турсунқуловларнинг номлари совет халқлари хотирасида сақланиб қолди.

Ватанга қизғин муҳаббат, душманга нафрат туйғулари, биргаликда қилинган ҳаракат ва зўр ғайрат мамлакатимизнинг халқларини янада кўпроқ яқинлаштирди ва иноқлаштирди. Халқ оммаси орасида Совет Армияси учун озиқ-овқат фондларини яратиш йўлидаги ватанпарварлик ҳаракати вужудга келди, мамлакатнинг ҳамма қисмида ҳарбий техникани яратиш учун пул маблағлари тўплаш авж олиб кетди. Уруш йилларида мудофаа фондига 16 миллиард сўмдан кўпроқ маблағ топширилди. Механиткашлар жангчилар учун тўплаган совғаларини эшелон-эшелон қилиб юборибгина қолмай, фронтга ва мамлакатни озиқ-овқат билан таъминлашнинг бутун оғирлиги шарқий районлар зиммасига юкланган эди. Волга бўйи ва Урал, Сибирь ва Қозоғистон, Ўрта Осиё ва Закавказье республикаларининг деҳқонлари уруш йилларида Ватан олдидаги ўз бурчларини жуда яхши англаб меҳнат қилдилар. Бу районлар дон, қанд лавлаги, мойли экинлар ва техника экинлари, чорвачилик маҳсулотлари етиштиришда асосий районлар бўлиб қолди. Ўзбекистон, Туркманистон, Тожикистоннинг қишлоқ механи